БУТУН ДУН'Е ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

УЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ, ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 112

16 ИЮЛЬ ЖУМА 1954 ЙИЛ

БАҲОСИ 20 тиин.

БУГУНГИ СОНДА:

Г. М. Маленков Умумҳиндистон тинчлик кенгашининг раиси доктор Сайфуддин Китчлуни қабул қилди (1-нчи бет).

СОВЕТ ИТТИФОҚИДА (1-нчи бет).

Халқ демократияси мамлакатларида (1-нчи бет).

ВЛКСМ Марказий Комитетининг Пленуми (2-нчи бет).

З. Исроилов. — Давлат плани маҳсулотнинг ҳамма турлари бўйича бажарилсин (2-нчи бет).

БИБЛИОГРАФИЯ: **И. Марков.** — Сиёсий иш олиб бориш тажрибаси (2-нчи бет).

Дала ишларини намунали ўтказиб, ғўзаларнинг мўл ҳосилли бўлишига эришайлик (3-нчи бет).

Н. Эгамназаров. — Еш шоирнинг хотира дафтари (3-нчи бет).

Садриддин Айний (3-нчи бет).

В. М. Молотов ҳузурида Чжоу Энь-лай ва Фам Ван Донг шарафига зиёфат (4-нчи бет).

В. М. Молотов А. Иден блан суҳбат қилди (4-нчи бет).

Чжоу Энь-лай Лаос ва Камбоджа ташқи ишлар министрлари блан суҳбат қилди (4-нчи бет).

Совет ҳарбий кемалари Хельсинкидан ўз юртига жўнаб кетдилар. (4-нчи бет).

Июльнинг қолган кунларидан самарали фойдаланиб, ғўза парваришини янада кучайтирайлик

Область партия, совет ва қишлоқ хўжалик ходимлари активининг 30 июньда бўлган йиғилишида ғўза парвариши бултурги шу вақтдагига нисбатан анча кечикаётганлиги та'кидлаб ўтилган эди. Ана шу йиғилишда дала ишларининг олиб борилиши тўла тахлил қилиниб, ғўза парваришини ҳартомонлама кучайтириш юзасидан амалий тадбирлар белгиланган эди. Орадан 15 кундан ортиқроқ вақт ўтди. Ишни қайтадан ташкил этган илғор колхоз, совхоз ва МТСлар шу муддат ичида мўл ҳосил етиштириш соҳасида бирмунча яхши натижаларга эришдилар. Бундай колхоз, совхозларнинг далаларида ғўзалар текис гуллаб, кўсаклашмоқда.

Агротехника қоидалари асосида парвариш қилинаётган — культивация, чопиқдан кейин сифатли ўғитланаётган ва кетма-кет чуқур эгат орқали қондириб суғорилаётган далалардаги ғўза гуркираб ўсмоқда, шу блан бирга мўл ҳосил тугаётир. Оққўрғон районидаги Сталин номли колхоз пахтакорлари июль ойининг биринчи ярмида барча дала ишларини намунали ўтказиб, ҳарбир туп ғўзада ҳосил шохларининг кўпайишига муваффақ бўлдилар. Сталин номли колхоз а'золари бўлиқ ўсаётган, 12—13 тадан ҳосил шохига эга бўлган ғўзаларни чеканка қилишга киришдилар.

Июль ойининг ўтган 15 куни ичида зўр ғайрат блан фидокорона меҳнат қилган колхозларнинг а'золари, совхозларнинг ишчилари, азамат механизаторлар ўз участкаларидаги июнь ойида қолоқ ҳисобланган ғўзаларни яхшилаб олдилар. Октябрь районидаги Маленков номли колхозда июнь ойи охирларида бригадаларарo текшириш ўтказилиб, 200 гектар ердаги ғўзанинг ўсишдан орқада қолганлиги аниқланган эди. Колхоз правлениеси ва партия ташкилоти барча тадбирларни қўлланиб, қолоқ ғўзалар парваришини кучайтирди, шу ерлардаги экин маҳаллий ва минерал ўғитлар аралашмаси блан қўшимча равишда озиқлантирилди. Натижада ғўзанинг ўсиш тезлашди ва ҳозирга келиб биртекисда ҳосилга кирди.

Лекин, ҳосил тўпланаётган шу қизғин кунларда ҳамон эскича услубда ишлаётган, ғўза парваришини қарорлар чиқариш йўли блан «кучайтирмоқчи» бўлаётган айрим районларнинг раҳбарлари, колхозларнинг раислари ҳамда МТС директорлари борки, улар ғанимат кунларнинг ўтиб кетаётганига қарамай, қолоқ участкалардаги экинни яхшилаш учун қайғирмаётирлар. Техника кучи, ички имкониятларни тўла сафарбар этиб, июнь ойида қолоқ ҳисобланган участкалардаги ғўзани июль ойининг 15 куни ўтиб кетган бўлса ҳам, яхши ғўзалар даражасига етказиб олмаётирлар.

Верхне-волинск районидаги 1-нчи МТС хизмат қиладиган кўпгина колхозларда ғўза парвариши шу кунларда ҳам қониқарсиз ўтказилмоқда. Шу МТС зонасидаги Ленин номли колхознинг бундан бир ой илгари ривожи паст деб ҳисобланган 220 гектар ердаги ғўзаси, ҳозиргача ҳам сводкаларда қолоқ, деб кўрсатилаётир. Колхоз раиси ўртоқ Оллобеков ҳар куни кечқурун сводкага назар ташлар экан, ачинган бўлади, лекин ички имкониятларни сафарбар этиш тўғрисида ўйлаб ҳам кўрмайди. Худди шу колхозда идора ходимларидан 32 киши дала ишларига мутлақо қатнашмайди. Улардан айримлари бригада, звеноларнинг ерига чиқсалар ҳам «ундай қилинг, бундай қилинг...», деб колхозчиларга «йўл-йўриқ» бериб қайтаберадилар.

МТС директори ўртоқ А. Холбеков бу колхозда тез-тез бўлиб турса ҳам, аммо тракторлар қандай ишлаётгани блан қизиқмайди. Шунинг учун ҳам колхоздаги 11 та «универсал»нинг кўпчилиги арзимас сабаблар блан кўп вақт бекор туриб қолмоқда. МТС раҳбарлари кўчма устахона ташкил қилиш тўғрисида шу дамгача бир қарорга келганлари йўқ. Бригада механиклари кўп вақтда зарур эҳтиёт қисмларни тузатдириш учун ўзлари МТСга бориб, вақтларини бекорга ўтказадилар.

Сирдар'ё райони ғўза парваришида умуман илғор бўлса ҳам, аммо райондаги ба'зи колхозларда дала ишлари қониқарсиз ўтказилаётир. 1-нчи МТС зонасидаги Ильич номли колхознинг кўпгина бригадаларида ғўзанинг ўсиши шу вақтгача ҳам ёмон аҳволда. Пахтакорларимиз ҳосил тўплашнинг ҳал қилучи даври деб ҳисоблаган июльнинг қимматли кунлари ўтиб бораётир. Шундай экан, Ильич номли колхоз пахтакорлари бундан бир ой илгари берган ва'даларини нима учун бажармаётирлар? Колхозда ғўза парваришини кучайтириш учун имконият йўқми? Асло бундай эмас. 970 гектар пахта майдонига эга бўлган шу колхозга 11 та «универсал» бириктириб қўйилган. Агар ана шундай зўр кучга эга бўлган техникадан ҳартарафлама тўла ва унумли фойдаланилганида эди, қолоқ участкалардаги экин ҳам яхшилаб олинган, эрта муддатларда ҳосилга киритилган бўлар эди.

Шу нарса ҳам ачинарлики, колхозда маҳаллий ўғит жамғаришга ва ундан фойдаланишга етарли э'тибор берилмаётир. Колхоз раиси ўртоқ Муллаев ҳамавақт қандай йўл блан бўлмасин, минерал ўғит топиш тўғрисида қайғиради-ю, аммо колхоз қишлоғидаги юзлаб тонна маҳаллий ўғитни тўплаб, ғўза қаторларига чиқариб солишни ўйлаб ҳам кўрмайди.

Илғор пахтакорлар маҳаллий ўғитлардан фойдаланиш йўли блан ғўзанинг ўсишини яхшилаётган ва уни мўл ҳосилли қилиб ўстирмоқдалар ва Ильич номли колхоз раҳбарлари ҳам ана шунга алоҳида э'тибор беришлари ва июльнинг қолган кунлари ичида дала ишларини ҳартарафлама кучайтириб, мўл ҳосил етиштиришга эришмоқлари керак.

Ҳосил тўпланадиган давр ўтиб бормоқда. Шу даврнинг ҳарбир кунида қилинган фидокорона меҳнат шонани гулга, гулни кўсакка айлантиради, кўсакни тезроқ етилтиради. Пахтани барвақт очиб, ўтиб олиш шу кунлардаги меҳнатимизга боғлиқ. Сифатли чопиқ, культивация қилинаётган, минерал ва маҳаллий ўғитлар аралашмаси блан озиқлантирилаётган ғўза кеча-кундуз қондириб суғорилиши керак.

Илғор совет агробиология фани ва илғорлар тажрибаси шуни кўрсатадики, экинни июльда суғориш унинг шу вақтгача олган ҳосилини тезроқ етилтиришда, ҳосилга-ҳосил қўшишда энг муҳим шартлардан биридир. Колхозларнинг правлениелари ва партия ташкилотлари сувчилар учун барча шароитларни яратиб беришлари, суғоришни икки сменада олиб боришга алоҳида э'тибор қилишлари лозим.

Ғўзани ернинг табиий шароитига қараб суғориш лозим. Колхоз ҳосилот советларининг раислари, бригада бошлиқлари суғоришнинг сифати устидан доимий назорат ўрнатишлари, бу соҳада ҳеч қандай ўринсиз ҳодисаларнинг юз беришига йўл қўймасликлари зарур.

Ҳозирги кунлардаги асосий вазифа— барча дала ишларини бир-бирига боғлаб олиб бориш, ўғитлаш блан суғориш ўртасида оз бўлса ҳам узилишга йўл қўймаслик, шунингдек ўсишдан орқада қолаётган ғўзаларни қўшимча парвариш қилиш йўли блан тез фурсатда яхши ғўзалар даражасига етказиб олишдан иборатдир.

Район партия ва совет ташкилотларининг раҳбарлари, МТСларнинг мутахассислари ғўза парваришни юзасидан белгиланган кундалик ва бешкунлик графикларнинг бажарилишини та'минлашлари ва дала ишларига раҳбарлик қилишни шу куннинг талабига мувофиқ олиб боришлари лозим. Колхозлардаги ҳарбир трактор, СУЗ ҳамавақт тўхтовсиз ҳамда унумли ишласин. Далаларимизда чанқаган ғўзалар бўлмасин. Сувдан тўла ва унумли фойдаланиб, ҳарбир пайкалдаги ғўзанинг бирхилда қониб сув ичишига эришайлик.

Июль ойининг қолган кунларида зўр ғайрат блан фидокорона меҳнат қилиб, барча майдондаги ғўзанинг мўлҳосилли бўлиб етилишига муваффақ бўлайлик. КПСС Марказий Комитети июнь Пленуми қарорида кўрсатилган вазифаларни шараф блан бажариш — партия, совет ташкилотлари раҳбарларининг ҳамда барча қишлоқ хўжалик ходимларининг ватанпарварлик бурчидир.

Партия ва ҳукуматимиз етказиб бераётган зўр техника кучидан самарали фойдаланиб, ички имкониятларни тўла сафарбар этиб, ғўза парваришидаги қолоқликни тезда тугатайлик ва бу йил севикли Ватанимизга камида 500 минг тонна пахта етказиб бериш учун курашайлик!

Г. М. МАЛЕНКОВ УМУМҲИНДИСТОН ТИНЧЛИК ҚЕНГАШИНИНГ РАИСИ ДОКТОР САЙФУТДИН КИТЧЛУНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

13 июльда СССР Министрлар Советининг Раиси Г. М. Маленков Тинчликни ҳимоя қилучи Совет Комитети ва Чет эллар блан алоқа қилучи Бутуниттифоқ жамиятининг таклифи блан Москвага келган Умумҳиндистон тинчлик кенгашининг раиси доктор Сайфутдин Китчлуни қабул қилди.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ва Ўзбекистон КП Марказий Комитетидан

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ва Ўзбекистон КП Марказий Комитети отоқли совет ёзучиси ва олими, тожик ва ўзбек совет адабиётининг асосчиларидан бири, СССР Олий Советининг депутати **Садриддин Айний**нинг вафот этканлигини чуқур қайғу блан ма'лум қиладилар.

Совет Иттифоқида

Ҳинд олими Соҳиб Синг Сокхейга Халқаро Сталин мукофотининг топширилиши

14 июльда Кремльнинг Свердлов залида отоқли ҳинд олими, Ҳиндистон парламентининг депутати профессор Соҳиб Синг Сокхэйга «Халқлар ўртасида тинчликни мустаҳкамлаш учун» халқаро Сталин мукофоти топширилди. Мукофотни топшириш вақтида совет жамоатчилигининг кўп вакиллари ҳозир бўлдилар. Мукофотни топшириш маросимида Ҳиндистон Республикасининг СССРдаги Фавқулодда ва Муҳтор Элчиси К. П. Ш. Менон жаноблари рафиқаси блан бирга ҳозир бўлди

Академик Д. В. Скобельцин профессор Сокхейга олтин медаль ва халқаро Сталин мукофоти лауреати дипломини топшириб, уни олий мукофот блан самимий табриклайди.

Совет жамоат ташкилотлари ва илмий ташкилотларининг вакиллари профессор Сокхейни самимий сўзлар блан табрикладилар. Академик Е. Н. Павловский, Тинчликни ҳимоя қилучи совет комитетининг раиси Н. С. Тихонов, академик В. А. Энгельгардт, профессор В. Д. Тимаков, медицина фанлари доктори В. В. Васильева Сокхейнинг тинчлик учун курашдаги ҳизматлари бутун дун'ёда ҳамманинг ҳурматига сазовор бўлганлиги тўғрисида, барча совет кишилари ҳинд халқининг сиз ларди фарзанди учун қувониб фахрланаётганликлари ҳақида сўзладилар.

Профессор Сокхейнинг нутқи зўр э'тибор блан тингланди.

— Мен, — деди у, — бугун бу мукофотни топшириб менга кўрсатаётган зўр ҳурматингизни яхши биламан. Мен чин қалбимдан сизларни миннатдорман: Бу ҳурматга муносиб иш кўрициимга аминман ва сизларни ишонтириб айтаманки, бутун инсоният учун жуда азиз бўлган олижаноб тинчлик йўлида янада зўр ғайрат блан ишлайман. (ТАСС)

Янги ерларда биринчи ҳосил

СЛОБОДЗЕЯ (Молдавия ССР), 13 июль. (ТАСС). Глинное қишлоғи рўпарасида, Днестр дар'ёси ва унинг тормоғи Турунчук ўртасида толзорлар блан қопланган катта орол бор. Эзги тошқинлар вақтида бу орол йил сайин сув остида қолиб кетар эди.

Кўклам даврида бу ерда дастлабки уч минг гектар ер ўзлаштирилди. Карл Маркс номли ва Булганин номли колхозлар арпа, бугдой, маккажўхори, кунгабоқар экдилар, картошка ва сабзавот экинлари ўтказдилар. Ороллари барча дала ишлари машиналаштирилган, Глинное МТСида учта ихтисослаштирилган трактор бригадаси ташкил этилди.

Ҳозир бу ерларда ғалла экинларидан биринчи ҳосил ўриб-йиғиб олинаётир. Комбайнчилардан Ф. Черненко ва Н. Парфенюк гектаридан 18 центнердан арпа ва 22 центнердан бугдой янчиб олмоқдалар.

Донадор суперфосфат

ЖАМБУЛ, 13 июль. (ТАСС). Жамбулдаги суперфосфат заводида янги цех ишга туширилди. Бу цехда қимматли минерал ўғит — донадор суперфосфат кўплаб ишлаб чиқарилабошланди. Цех энг янги машиналар блан ускуналанган. Ҳамма ишлар, шу жумладан маҳсулотни қопларга жойлаш ишлари ҳам машиналаштирилган.

А. П. ЧЕХОВ ВАФОТ ЭТГАН КУННИНГ 50 ЙИЛЛИГИНИ ЎТКАЗУЧИ БУТУНИТТИФОҚ КОМИТЕТИДА

А. П. Чехов вафот этган куннинг 50 йиллиги муносабати блан унинг хотирасини абадийлаштириш табдирлари тўғрисида

Улуғ рус ёзучиси А. П. Чехов вафот этган кунга 1954 йил 15 июльда 50 йил тўлиши муносабати блан Москва областининг А. П. Чехов яшаган ва ишлаган Лопасня районига Чехов райони номи берилади ҳамда Лопасня ишчилар посёлкаси Чехов шаҳрига айлантирилади.

Қуйидагиларга А. П. Чехов номи берилади:

— Москва шаҳар Свердлов районидаги 64-нчи кутубхонага;

— Таганрог шаҳридаги 2-нчи ўрта мактабга.

Москва шаҳридаги Садово-Кудринская кўчасида А. П. Чехов яшаган 6-нчи уйда А. П. Чехов Ўй-музейи очилди ва шу уйда хотира тахтаси ўрнатилади.

СССР Маданият министрлиги 1954—1956 йилларда А. П. Чеховнинг 12 томлик асарлар тўпламини нашр этади.

А. П. Чехов вафот этган куннинг 50 йиллигини ўтказучи Бутуниттифоқ комитетида

14 июльда СССР Совет ёзучилари союзида К. А. Федин раислигида Антон Павлович Чехов вафот этган куннинг 50 йиллигини ўтказучи Бутуниттифоқ комитетининг мажлиси бўлди.

Комитет ташкилий масалаларни муҳокама қилди. Ёзучилардан П. Бровка ва М. Ибрагимовлар Белоруссияда ва Озарбайжонда Чехов ижодларининг қандай ўтказилаётганлиги тўғрисида ахборот бердилар. Республикаларда комитетлар тузилган, улуғ рус ёзучисининг ҳаётини ва ижодини ёритадиган лекция ва докладлар ўқилмоқда, виставкалар ташкил этилган. Белоруссия ССР Фанлар академияси илмий сессия ўтказди. Белоруссия давлат нашриёти бу шонли кун муносабати блан А. П. Чеховнинг бир томлик танланган асарларини нашр этмоқда. Озарбайжонда А. П. Чеховнинг икки томлик танланган асарлари чиқарилади. Минскда ва Бокуда тантанали мажлислар ўтказилади.

Москва шаҳри ва Москва атрофи меҳнаткашлари А. П. Чехов вафот этган куннинг 50 йиллигини кенг нишонламоқдалар. 15 июль кундузи Ново-Девичье қабристонида ёзучининг қабри ёнида мотам митинги бўлади.

Союзлар Уйининг Колонна залида шу куни тантанали мажлис ўтказилади.

(ТАСС).

Москвада А. П. Чеховнинг уй-музейи очилди

14 июльда Москвада Садово-Кудринская кўчасидаги 6-нчи уйда улуғ рус ёзучиси А. П. Чеховнинг уй-музейи очилди.

Чехов шу икки қаватли уйда 1886 йилдан 1890 йилгача яшаган. У ўзининг «Бахт», «Дашт», «Иванов» номли ва бошқа ажойиб асарларини ана шу уйда ёзган.

Музейга қўйилган кўп ҳужжатлар, фотосуратлар, картиналар, Антон Павлович асарларининг нашрлари улуғ ёзучининг ҳаётини тасвирлайди.

Уй-музейнинг очилишига бағишланган тантанали маросимга пойтахт жамоатчилигининг кўп вакиллари — олимлар, ёзучилар, артистлар тўпландилар.

Уй-музейнинг очилишида СССР Маданият министри Г. Ф. Аленксандров, РСФСР Маданият министри Т. М. Зуева, СССР халқ артисти О. Л. Книппер — Чехова ва академик А. И. Опарин нутқ сўзладилар. (ТАСС).

А. П. Чехов вафот этган куннинг 50 йиллигига доир

МИНСК, 13 июль. (ТАСС). Минск кинотеатрларида, автомобиль ва трактор заводларининг клубларида улуғ рус ёзучиси А. П. Чехов асарлари асосида яратилган кинофильмларни кўрсатиш ҳафталиги бошланди. «Гилоф бандаси», «Бўйиндаги Анна», «Тўй», «Айиқ», «Маска» номли ва бошқа кинокартиналар кўрсатилмоқда.

А. С. Пушкин номли область кутубхонасида ёзучининг хотирасига бағишланган катта виставка очилди. Виставкада А. П. Чеховнинг белорус тилига таржима қилинган асарларига анча ўрин берилган.

Республиканинг юзларча ҳаваскорлик драма коллективлари Чехов асарлари юзасидан бир пардали спектакльлар қўймоқдалар.

Енгил саноат корхоналарида кундузги ёруғлик лампалари

Люминесцент ёруғлиги енгил саноат корхоналарида тобора кўпроқ қўлланилмоқда. Ишлаб чиқариладиган буюмларнинг рангларини жуда аниқ билиб олиш талаб қилинадиган корхоналарда, масалан, тўқимачилик корхоналарининг пардозлаш фабрикаларида, тикучилик ва мўйначилик саноатида тўқимачилик цехларида кундузги ёруғлиқ лампалари айниқса катта аҳамиятга эга.

СССР Кенг иste'мол саноат моллари министрлиги Иттифоқ аҳамиятидаги 185 корхонада бу йил люминесцент ёруғлигини қўлланиш планини тасдиқлади. Кундузги ёруғлиқ берадиган лампалар сони қарийб икки баравар кўпайтирилади. Калинин шойи тўқиш фабрикасининг цехларида, Ленинград, Иваново, Тошкент ва бошқа шаҳарлардаги бирқанча тўқимачилик корхоналарида, тикучилик, трикотаж ва пойафзал фабрикаларида кўпгина ана шундай лампалар ўрнатилади. Херсонда, Камишинда ва Барнаулда қурилаётган қувватли ип-газлама комбинатлари люминесцент лампалар блан тўла равишда та'минланади.

Министрликнинг механика заводларида люминесцент лампалар учун қандилларни кўплаб ишлаб чиқариш ташкил этилади. Иш ўринларини ёритишнинг рационал системалари ишлаб чиқилди ва жорий қилинмоқда, бу эса меҳнат шароитини яхшилашга ва меҳнат унумини оширишга ёрдам беради. (ТАСС).

БУТУНИТТИФОҚ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИҚ ВИСТАВКАСИДА



Молдавия ССР павильони.

Н. Грановский фотоси (ТАСС фотохроникаси).

Халқ демократияси мамлакатларида

ПЕКИНДА СОВЕТ ВИСТАВКАСИ ҚУРИЛИШИ

ПЕКИН, 13 июль. (ТАСС). Пекинда СССРнинг экономика ва маданият соҳасидаги ютуқлари виставкаси қурилиши қизғин бораётир. Виставка территориясида асосий қурилиш ишлари тугалланди. Виставканинг ўз ҳажми жиҳатидан энг катта биноси бўлган саноат павильонини пардозлаш ишлари тамомланди. Виставканинг бошқа об'ектларида ҳам пардозлаш ишлари олиб борилмоқда. Мамлакатнинг ҳамма жойларидан бу ерга гранит, мармар ва бошқа бинокорлик материаллари етказиб берилмоқда. Хитой ишчилари ва инженер-техник ходимлари биноларни пардозлаш ва экспонатларни монтаж қилиш ишларининг ҳаммасини белгиланган муддатларда тамомлашга қат'ий бел боғлаганлар. Виставка экспонатларининг анча қисми ҳозирдаёқ Пекинга келтирилди.

ХИТОЙ-БОЛГАРИЯ ДЎСТЛИГИ МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА

СОФИЯ, 14 июль. (ТАСС). Бугун Болгария Халқ Республикаси блан Хитой Халқ Республикаси ўртасида маданий ҳамкорлик тўғрисида битим имзоланган кунга икки йил тўлади.

Ўтган икки йил ичида Болгария блан Хитой ўртасидаги дўстлик ва маданий алоқа янада кўпроқ мустаҳкамланди. Иккала давлатнинг Фан арбоблари бир-бирларига бориб Хитой ва Болгария халқларини иккала демократик мамлакат халқ хўжалигининг ривожланиши блан ҳамда шу мамлакатларнинг ҳаёти блан таништирдилар. Хитой ва Болгария кўзга кўринган жамоат арбоблари, ёзучилар, олимлар, артистларнинг юбилейларини биргаликда нишонладилар.

Ҳозирги замон хитой адабиётининг болгар тилига таржима қилинган асарлари Болгарияда севиб ўқилмоқда. София университетида хитой маданиятини ва хитой тилини ўрганиш учун Хитой профессори раҳ. ,рлигида лектория очилган. Хитойнинг олий ўқув юртларида Болгария студентлари, Болгариянинг олий ўқув юртларида эса Хитой студентлари ўқимоқдалар. Фильмлар айирбошланиб турилади. Бу йил Болгарияда Хитой амалий сан'ат виставкаси очилди.

ПОЛЬШАДА ҲОСИЛНИ ЎРИБ-ИЙҒИБ ОЛИШ ИШЛАРИ

ВАРШАВА, 14 июль. (ТАСС). Польшада ғалла ўрим-йиғими оммавий тус олди. Деҳқончилик ишлабчиқариш кооперативлари ва давлат деҳқончилик хўжаликлари далаларида ўрим-йиғим машиналари ишлаётир. Варшава воеводлигининг деҳқонлари 3,5 минг гектардан кўпроқ ердаги жавдари бугдойни ўриб олдилар. Люблин воеводлигининг ҳамма уездларида ғалла ўрим-йиғими бошланди. Мамлакатнинг Зеленогурск, Лодзь ва бошқа воеводликларида ғалла ўрим-йиғимига оммавий равишда киришилди.

Бу йил ғалла ўрим-йиғимида ўтган йилдагига қараганда анча кўпроқ қишлоқ хўжалик машиналари ишлайди. Кооперативларнинг, давлат хўжаликларининг далаларидагина қариб бир мингта комбайн ишлайди. Бу комбайнлар асосан Совет Иттифоқидан етказиб берилган.

Деҳқонлар бўлажак миллий байрам — халқ Польшасининг ўн йиллиги шарафига меҳнат мусобақасини ривожлантирмоқдалар.

КОРЕЯ ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК РЕСПУБЛИКАСИДА ЧЕХОВ КУНЛАРИ

ПХЕНЬЯН, 14 июль. (ТАСС). Корея Халқ Демократик Республикасининг жамоатчилиги А. П. Чехов вафот этган куннинг эллик йиллигини ўтказмоқда. Шу кунларда Пхеньянда ва республиканинг вилоят ҳамда уезд марказларида улуғ рус ёзучисининг ҳаёти ва ижодига бағишланган йиғилишлар ўтказилмоқда. Пхеньян, Вонсан, Чхончжин, Хамхин, Канг, Синийжу шаҳарларида ва бошқа шаҳарларда А. П. Чеховнинг ҳаёти ва ижодий йўлини тасвирловчи фотовиставкалар ташкил этилди.

«Чоссо Чхинсон» («Корея-Совет дўстлиги») ва «Чосон мунхак» («Корея адабиёти») журналларининг июль сонлари А. П. Чехов вафот этган куннинг эллик йиллигига бағишлаб чиқарилади. СССР блан маданий алоқа қилучи Корея жамиятининг нашриёти Чехов танланган асарларининг биринчи томини корейс тилида босиб чиқарди.

БОЛГАРИЯ ЖАМОАТЧИЛИГИ А. П. ЧЕХОВ ХОТИРАСИНИ ХУРМАТ БЛАН ЭСГА ОЛМОҚДА

СОФИЯ, 14 июль. (ТАСС). Болгария жамоатчилиги улуғ рус ёзучиси А. П. Чехов вафот этган куннинг 50 йиллигини ўтказмоқда. Софияда ва бошқа шаҳарларда Чеховнинг ҳаёти ва ижодига бағишланган йиғилишлар ҳамда илмий сессиялар бўлиб ўтди. Болгария матбуоти Болгарияда Чеховнинг обрўси ва болгар адабиётини ривожлантиришдаги та'сири ғоят катта эканлигини та'кидлайди. Болгариянинг кўзга кўринган ёзучилари А. Страшимиров, Г. Стаматов, С. Костов, Елин-Пелин ва бошқалар Чехов ижодидан та'лим олдилар.

1889 йилда Славейков А. П. Чеховнинг «Тиф» ҳикоясини биринчи марта болгар тилига таржима қилди. Ўша вақтдан буён Чеховнинг 323 асари болгар тилига таржима қилинди. А. П. Чеховнинг асарлари болгар тилида умуман 375.000 нусха нашр этилган.

Тинчликни ҳимоя қилучи миллий комитет, Болгария-Совет дўстлиги жамиятлари союзи ва В. Коларов номидаги давлат кутубхонаси А. П. Чехов вафотининг 50 йиллиги кунида улуғ ёзучининг хотирасига бағишланган виставка очадилар.

ВЛКСМ Марказий Комитетининг Пленуми

Яқинда ВЛКСМ Марказий Комитетининг Пленуми бўлиб ўтди. Пленум ҳосил ўрим-йиғимига тайёрланиш ва бу ишларни ўтказишда ҳамда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини тайёрлаш планини бажаришда комсомол ташкилотларининг иштироки тўғрисидаги масалани муҳокама этди ва тегишли қарор қабул қилди. Пленумда ВЛКСМ Марказий Комитетининг секретари ўртоқ А. Н. Шелепин доклад қилди.

Докладчи ва сўзга чиққан ўртоқлар Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг шу йил июнь ойида бўлиб ўтган Пленуми жуда катта аҳамиятга эга эканлигини та'кидладилар. ВЛКСМ Марказий Комитети Пленумининг қатнашчилари уқтириб ўтдиларки, социалистик қишлоқ хўжалигининг барча тармоқларини янада зўр бериб ривожлантириш ва кенг исте'мол моллари ишлаб чиқаришни кўпайтириш юзасидан Коммунистик партия ҳамда Совет ҳукумати томонидан амалга оширилаётган тадбирларни бутун халқ ма'қуллади ва ёш ишчилар, колхозчилар ўртасида, барча совет ёшлари ўртасида ижодий ғайратни кучайтириб юборди.

Комсомоллар, қишлоқ ёшлари Коммунистик партия кўрсатмаларини бажариб, барча қишлоқ хўжалик экинларидан мўл ҳосил етиштириш учун, жамоат чорвачилигини ривожлантириш ва унинг маҳсулдорлигини ошириш учун курашда актив қатнашабошладилар.

Кўпгина комсомол ташкилотлари кўклам экиш ишларини ўз вақтида ва сифатли қилиб ўтказишда колхоз, МТС ва совхозларга амалий ёрдам кўрсатдилар. Бутуниттифоқ социалистик мусобақасига қўшилган 15 мингтача ёш трактorчилар бригадалари ҳозирги вақтда мўл ҳосил етиштириш учун сабот блан кураш олиб бормоқда. Партия ва Ҳукумат чақириғи блан 149 мингдан ортиқ йигит ва қизлар комсомол путёвкалари блан қўриқ ва бўз ерларни ўзлаштириш учун йўлга кетдилар.

Шу блан бирга, Пленумда қишлоқлардаги комсомол ташкилотлари ва раҳбар комсомол органларининг анчагина қисми хўжалик ишларида комсомоллар ҳамда ёшларни актив қатнаштиришга қаратилган ўз ишларини аста-секинлик блан қайта қураётганликлари кўрсатилди. Кўпгина комсомол ташкилотлари ва комсомол комитетлари ёшлар ўртасида ташкилотчилик ва оммавий-сиёсий ишларни қишлоқ хўжалигини ривожлантириш соҳасидаги амалий вазифалар блан боғлаб олиб бормаётирлар, колхоз, МТС ҳамда совхозлардаги ишлар учун жавобгарликни сезмаётирлар.

Район, область, ўлка комсомол комитетлари ва иттифоқчи республикалар ЛКСМ Марказий Комитетларининг иш услуби ва методларидаги жиддий камчиликлар қишлоқ комсомол ташкилотларининг ишларига ёмон та'сир кўрсатмоқда. Кўпгина комсомол комитетлари бутун ишларни қайтадан қуриш, канцелярячилик-бюрократик методларни раҳбарлик практикасидан суриб чиқариш соҳасидаги ҳамма ишларни, ёзишмаларни ва мажлисларни камайтиришдангина иборат қилиб қўйганлар ва ёшлар оммаси ўртасида конкрет амалий ишлар блан, ташкилотчилик ишлари блан ҳозир ҳам кам шуғулланмоқдалар.

Ба'зи область ва район комсомол комитетлари ҳархил кампаниялар, ҳархил ойлик, декадалар ўтказишга берилиб кетиб, колхоз, МТС ва совхоз комсомол ташкилотларига раҳбарликни яхшилаш ноқаларини кўрмаётирлар, уларни ташкилий қиёфадан мустаҳкамлаш ҳамда жанговарлик қобилиятларини ошириш тўғрисида ғамхўрлик қилмаётирлар.

Кўпгина комсомол ходимлари ВЛКСМ ташкилотларида бўлган вақтларида уларнинг ишларига жиддий э'тибор бермаётирлар, фақат ишларни текшириш блангина шуғулланмоқдалар, камчиликларни йўқотишда кам ёрдам бермоқдалар. Район ва область комсомол комитетларининг ба'зи секретарьлари жойларда ишнинг аҳволи қандай эканлигини ҳали ҳам кам биладилар, қишлоқ хўжалик ишлабчиқаришининг энг оддий масалаларини яхши билмайдилар.

Пленум шуни та'кидладики, айрим комсомол ташкилотлари ўрим-йиғим ишларига ўз вақтида ва яхши тайёргарлик кўришга қишлоқ ёшларини сафарбар қилишда сусткашлик қилмоқдалар, комбайнларни, молотилкаларни, ҳосилни ўриб-йиғиб олишда ишлатиладиган оддий машиналарни ва бошқа қишлоқ хўжалик асбоблариии ремонт қилишни тугаллаш тўғрисида кам ғамхўрлик қилмоқдалар.

Пленум қарорида бундай дейилади: Бирқанча районларда ва, биринчи галда, Киргизистон ССРда, Калуга, Свердловск областьларида комсомол ташкилотларининг апчагина қисми колхоз ва совхозларда мустаҳкам ем-хашак базасини вужудга келтиришда, пичан ўришда, силос қилинадиган ва ем-хашак экинларини парвариш қилишда ҳамда силос тайёрлаш планларини бажаришда суст қатнашмоқда.

Пленум шуни қайд қилдики, ба'зи областьлардаги комсомол ташкилотлари кўриқ ва бўз ерларни ўзлаштириш учун келган ёш ишчилардан тўғри фойдаланишга эришмаётирлар, савдо-сотиқни ва ёшларга маданий-маиший хизмат кўрсатишни яхшилашда сабот блан иш олиб бормаётирлар, колхоз, МТСларда ва айниқса янги ташкил этилган совхозларда сиёсий ишларни суст уюштирмоқдалар. Ёшларни қўриқ ва бўз ерларни ўзлаштиришга юборган кўпгина комсомол ташкилотлари ана шу ёшларнинг ҳаёти ва ишлари блан қизиқмаётирлар, улар блан доимо алоқа қилиб турмаётирлар.

Пленум қарорида қишлоқ ёшлари ўртасида социалистик мусобақани уюштиришда жиддий камчиликлар борлиги та'кидланади. Комсомол органларининг ба'зи раҳбарлари ёшлар бригадалари ва звеноларининг мусобақасигина кўпроқ э'тибор бериб, барча ёшларнинг қандай ишлаётганликлари блан кам қизиқмоқдалар.

Пленум кўпгина комсомол ташкилотларининг ёш колхозчилар, МТС ва совхоз ишчилари ўртасида меҳнат интизомини мустаҳкамлаш блан қоникарсиз шуғулланаётганликларига, ёшлардан бир қисмининг жамоат меҳнатида қатнашмаётганлигига, минимум меҳнат кунларини бажармаётганлигига тоқат қилиб келаётганликларига алоҳида э'тибор қилди.

ВЛКСМ Марказий Комитетининг Пленуми КПСС Марказий Комитети июнь Пленуми томонидан белгиланган тадбирларни бажаришда комсомол ташкилотларининг, комсомолларнинг, барча қишлоқ ёшларининг иштирокига катта аҳамият бериб, экинларни парвариш қилиш, ем-хашак тайёрлаш, ҳосилни ўз вақтида йиғиштириб олиш, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини тайёрлаш ва сотиб олиш планларини бажаришда комсомолларнинг, барча қишлоқ ёшларининг актив иштирок қилишини та'минлаш — колхоз, МТС, совхозлардаги барча комсомол ташкилотларининг, район, шаҳар, область, ўлка комсомол комитетларининг ва иттифоқчи республикалар ЛКСМ Марказий Комитетларининг кечиктириб бўлмайдиган энг муҳим вазифаси, деб топди. Пленум қишлоқ комсомолларини ҳосилни йиғиштириб олишда ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларини тайёрлашда фидокорона меҳнат қилиш намунасини кўрсатишга чақирди.

Комсомол ташкилотлари ёшларни пахта, қанд лавлаги, кунгабоқар, маккажўхори, картошка, сабзавот экинларини ва ем-хашак экинларини, зиғир ва кунжут парвариш қилиш соҳасидаги ишларни ўз вақтида сифатли қилиб ўтказиш соҳасидаги ишларни бажаришга уюштиришлари, техника экинларини ва чопиқ қилишдан экинларни етиштиручи ёшлар звеноларини ташкил этишни ҳартомонлама қўллаб-қувватлашлари, мавжуд звеноларни мустаҳкамлашлари, экинларни намунали парвариш қилишда уларга ёрдам беришлари, мўл ҳосил етиштириш учун социалистик мусобақа уюштиришлари керак.

Қишлоқ хўжалик экинларининг зараркунандаларига қарши курашни кучайтириш, юмронқозиқларни, сичқонларни, қандала тошбақаларни, узунбурунларни ва бошқа зараркунандаларни йўқотиш учун ёшларнинг оммавий чиқишларини уюштириш комсомол ташкилотларига таклиф этилди.

Область, ўлка комсомол комитетлари, иттифоқчи республикалар ЛКСМ Марказий Комитетларининг конкрет, жанговар иш олиб боришларини та'минлашдаги лозим. Ем-хашак тайёрлаш юзасидан ўтказилаётган Бутуниттифоқ социалистик мусобақасида юксак натижаларга эришиш — колхоз, МТС, совхоз, райондаги ҳарбир комсомол ташкилотининг шарафли ишидир. Комсомол ташкилотлари пичан ўришда, силос иншоотларини қуришда актив қатнашишлари, силос бостириш ва бошқа ем-хашакларни жамғариб қўйиш юзасидан ҳарбир колхоз ва ҳарбир совхоз бўйича белгиланган планларни тўла ва ошириб бажаришга эришишлари керак. Ем-хашакларнинг ўз вақтида ҳисобга олиниши, тўғри сақланиши ва тежаб-тергаб сарфланиши юзасидан контроль ўрнатиш, дағал ем-хашакнинг мол қишлови бошланишигача зарур миқдорда чорвачилик фермаларига етказиб берилишига эришиш ва қишки йилов участкаларида пичан ва бошқа ем-хашак страхование запасларининг вужудга келтирилишига эришиш комсомол ташкилотларига таклиф этилди.

Пленум ҳосил ўрим-йиғимига ўз вақтида тайёргарлик кўришга катта аҳамият бериб, раҳбар комсомол органларига ва колхоз, МТС ҳамда совхоз комсомол ташкилотларига комсомол ва ёшларнинг кучини комбайнларнинг, бошқа ўрим-йиғим машиналари ҳамда транспорт воситаларининг ремонтини муваффақиятли суратда тугаллаш, ёшларни колхоз ва совхозларда механикалаштирилган хирмонларни вужудга келтиришга, қишлоқ хўжалик экинларини қуритиш ва сақлаш учун зарур бўлган сушилкалар, сарой-лар, бостирмалар, бетонлаштириладиган тош ётқизилган майдончалар қуришга кенг жалб этиш мажбуриятини юклади. Комсомол ташкилотлари комбайн агрегатларини комбайнчилар, комбайнчиларнинг ёрдамчилари ва бошқа ходимлар блан та'минлашда бевосита қатнашишлари, энг яхши колхозчи комсомоллар ва ёшларни бу ишга юборишлари керак.

Пленум район, область, ўлка комсомол комитетларидан ва иттифоқчи республикалар ЛКСМ Марказий Комитетларидан комсомоллар ва ёшларнинг бутун кучини ўрим-йиғимни қисқа вақт ичида ва ҳосилни ҳеч нобуд қилмай ўтказишга сафарбар қилишни талаб этди. Колхоз, МТС ва совхозларнинг комсомол ташкилотлари ҳарбир ёш комбайнчининг, молотилка машинистининг, ҳарбир трактorчининг яхши ишлаб, ишлабчиқаришни тоғ-ширишларини кун сайин тўла ва ошириб бажаришига эришишлари, комбайнларнинг ва бошқа машиналарнинг бекор туришига ҳамда бузилиб қолишига йўл қўймасликкa эришишлари лозим.

Пленум район, область, ўлка комсомол комитетларига ва иттифоқчи республикаларнинг ЛКСМ Марказий Комитетларига смена иш нормаларини тўла ва ошириб бажариш ҳамда донни сифатли қилиб янчиш учун ёш комбайнчиларнинг социалистик мусобақасини уюштиришни тавсия этди. Пленум ҳосил ўрим-йиғимини муддатларини қисқартириш учун ва қўриқ ҳамда бўз ерлари ўзлаштирилган районлардаги ҳосилни йиғиштириб олиш мақсадида мазкур районларга биринчи бўлиб жўнаш ҳуқуқини олиш учун социалистик мусобақага қўшилган Ставрополь ўлкасидаги ёш комбайнчиларнинг ташаббусини ма'қуллади.

МТС ва совхозларнинг ёш механизаторлари картошка ва сабзавотни йиғиштириб олиш ишларини энг кўп даражада механизациялаш учун, картошка йиғиштириб оладиган барча комбайнлардан ҳамда бошқа машиналар ва механизмлардан тўла фойдаланиш учун курашолиб боришлари керак. Бу йил анчагина майдондаги картошка ва сабзавотни қўл блан йиғиштириб олишга тўғри келажагини э'тиборга олиб, комсомол ташкилотлари зарур бўлган миқдорда ёшларни, шунингдек пионерларни ва мактаб ўқучиларини бу ишга жалб этишлари лозим.

Пленум комсомолларни ва ёшларни ҳосилнинг нобуд бўлишига қарши қатъий курашолиб боришга сафарбар қилишни комсомол ташкилотлари олдига жанговар вазифа қилиб қўйди. Галлайнинг пишиб етилишига қараб йиғим-терим ишларининг ўз вақтида бошланишини қаттиқ кузатиб туриш, ҳарбир комбайнга дон ва бошоқларнинг нобуд бўлишига йўл қўймайдиган асбоблар ўрнатиш, барча майдонларда дон ўриб олинганидан кейин, далада қолган бошоқларни йиғиштириб олиш, ҳосилни ҳеч нобуд қилмай ташиш учун барча транспорт воситаларини ҳамда қоп-қапларни тахт қилиб қўйиш керак.

Пленум колхоз, МТС, совхоз бошланғич комсомол ташкилотларига, район, область, ўлка комсомол ташкилотларига ва иттифоқчи республикалар ЛКСМ Марказий Комитетларига ҳарбир колхоз, совхоз, ҳарбир район, область, ўлканинг, ҳарбир республиканинг галла, пахта, қанд лавлаги, зиғир, конопля, картошка, сабзавот ва чорвачилик маҳсулотлари топшириш давлат планларининг белгиланган муддатларда ўз вақтида ва сўзсиз бажарилишини та'минлашда партия ва совет органларига ҳартомонлама ёрдам бериш мажбуриятини юклади. Ёшлардан иборат транспорт бригадалари тузиш, галлани ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ташиб олиш графигини тўла ва ошириб бажариш учун транспорт бригадаларининг, ёш шоферларнинг социалистик мусобақасини уюштириш тавсия этилади.

Район, область, ўлка комсомол комитетлари ва иттифоқчи республикалар ЛКСМ Марказий Комитетларига қўриқ ва бўз ерларни ўзлаштираётган ёшлар ўртасида сиёсий-тарбиявий ишларни яхши йўлга қўйиш таклиф этилди. Қишлоқ хўжалик органлари, МТС ва совхоз директорлари блан биргаликда ёшларнинг маданий-маиший шароитини яхшилаш чораларини кўриш, умумий овқатланишни уюштириш, энг зарур молларнинг блан тўхтовсиз та'минлаш керак. Пленум область, ўлка комсомол комитетларига уй-ой ва маданий-маиший қурилиш планларини амалга оширишда комсомол ташкилотларини актив қатнаштиришни та'минлаш, ёшлардан иборат биноқорлик бригадалари тузиш, улар ўртасида социалистик мусобақани қизитиб юбориш мажбуриятини юклади.

Пленум район, область, ўлка комсомол комитетларига ва иттифоқчи республикалар ЛКСМ Марказий Комитетларига ёшлар ўртасидаги бутун оммавий-сиёсий ишларни бевосита дала шийпонларида, далачилик бригадалари ва трактор бригадаларида, пичан ўриладиган жойларда, хирмонларда, транспорт бригадаларида, элеваторларда ва тайёрлаш пунктларида олиб бориш мажбуриятини юклади. Партия ташкилотлари блан келишиб, ёшларнинг ҳарбир бригадаси учун агитатор танлаш, агитаторларни газеталар блан та'минлаш, деворий газеталар ҳамда «Жанговар варақа»ларнинг мунтазам суратда чиқарилишини йўлга қўйиш зарур.

Пленум ҳосил ўрими-йиғими қизиб кетган кунларда район, область, ўлка комсомол комитетлари ҳамда иттифоқчи республикалар ЛКСМ Марказий Комитетлари бюроларининг а'золари ва уларнинг секретарьлари ҳамда аппарат ходимлари ҳосилнинг тақдири ҳал этиладиган колхоз, МТС, совхозларда бўлишилар, деб талаб қилди.

ВЛКСМ Марказий Комитетининг Пленуми комсомоллари, барча қишлоқ ёшларини ҳосил ўрим-йиғимини намунали ўтказиш, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини тайёрлаш планини бажариш учун актив курашолиб боришга ва бу блан қишлоқ хўжалигини кескин суратда ривожлантириш соҳасида Коммунистик партия ва Совет ҳукумати томонидан қўйилган умумхалқ вазифасини бажаришга ўз ҳиссаларини кўпишга чақирди.

БИБЛИОГРАФИЯ

Сиёсий иш олиб бориш тажрибаси

Сиёсий агитация — партиянинг халқ блан алоқада бўлишининг, меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялашнинг, коммунистик қурилиш соҳасидаги буюк вазифаларни бажаришга уларни сафарбар этишнинг энг муҳим воситаларидан биридир. Агитаторлар оммо орасида сиёсий иш олиб борib, партиянинг сиёсатини совет кишиларига ҳартомонлама тушунтирмоқдалар, уни амалга ошириш учун курашга меҳнаткашларни сафарбар қилмоқдалар.

Агитация ишининг форма ва методлари кўп. Агитатор суҳбат ўтказишга пухта тайёрланиши, кишиларга тушунарли бўлган мисолларни топабилиши лозим. Меҳнаткашлар тушунадиган тилда суҳбат ўтказадиган, уларнинг талаб ва хоҳишларини қондириш э'тиборга оладиган агитаторгина ўз ишида яхши самаларга эришаолади.

Ма'лумки, агитация ишида ҳаммавақт қўлланиш шарт бўлган бирхил қонда ва усуллар йўқ. Сиёсий агитация — ижодий иш. Агитатор ҳар сафар машғулотни конкрет жонли мисоллар блан ўтказишга интилиши лозим.

Партия ташкилотлари меҳнаткашларга сиёсий тарбия бериш тўғрисида куп сайин ғамхўрлик қилишлари, агитацияни халқ ҳаётидаги янгиликлар блан боғлаб олиб боришлари, унинг форма ва методларини мукаммаллаштиришлари лозим. Бунинг учун агитаторлар агитация олиб боришдаги яхши тажрибаларни ўрганишлари ва ўз ишларида қўлланишлари зарур.

Бу ишда «Омма ўртасида сиёсий иш»[1] деган тўплам агитаторларга катта ёрдам бериши мумкин. Бу тўплам агитация ишида Москва партия ташкилотлари тўплаган тажрибани умумлаштиради. Унда район партия комитетлари секретарьларининг, бошланғич партия ташкилотлари, комитетлари ва бюролари секретарьларининг мақолалари бор. Тўплам авторлари оммавий-сиёсий ишларни ўртоқлашадилар, сиёсий агитация олиб боришда қандай формалардан фойдаланганликлари ҳақида ёзадилар.

Москва шаҳар Бауман райкомининг секретари ўртоқ Н. Андреевانинг «Ҳаёт блан маҳкам боғланган жанговар агитация учун» деган мақоласи агитаторларга кўп нарсани ўргатади. Автор район партия ташкилотларида агитация ишлари қандай қўйилганлиги ҳақида ёзиб, агитаторлар тўғрисида, уларнинг ғоявий ўсишлари тўғрисида, агитаторларнинг иши партия қўйган вазифаларга жавоб бериши тўғрисида ғамхўрлик қилиш катта аҳамиятга эга эканлигини уқдириб ўтади.

Партия ташкилотлари ишлабчиқаришда активлик кўрсатган обрўли жамоатчи кишиларни, умумий ва сиёсий ма'лумоти яхши ўртоқларни агитация ишига қўтарганлар. Район партия комитети ба'зи ташкилотларда унча «банд бўлмаган» кишиларни, уларнинг сиёсий билим даражаларини э'тиборга олмасдан, агитаторликка тайинлаш каби нотўғри практикани қатъиян қоралайди.

Район партия комитети партия ташкилотларидан агитация иши олиб боришга билимли ўртоқларни қўйиши, бу ишда корхоналардаги раҳбар партия ходимлари, директорлар ҳамда цех ва бўлимларнинг бошлиқлари қатнашувларини талаб қилади.

Агитаторларни ишга тўғри тайинлаш ҳам катта аҳамиятга эга. Ҳарбир агитатор 15—20 киши блан суҳбат олиб боради. Бундай қилганда суҳбат яхши натижа беради, тингловчилар актив қатнашадилар, суҳбат темасини яхши ўзлаштирадилар.

Агитаторларни тўғри танлаш ва жойжойига қўйиш ишнинг бошланғичидир. Агитаторларнинг иши натижали бўлиши учун уларга ҳамаваҳт раҳбарлик қилиш, йўл кўрсатиб туриш керак.

Автор райкомнинг агитаторларга қандай раҳбарлик қилаётганлиги тўғрисида ёзади. Ой сайин агитаторларнинг район йиғилишлари чақирилиб, унда турли масалалар юзасидан доклад ва лекциялар ўқилмоқда. Йиғилишдан кейин илмий-оммабоп ва хроникал-бадиий кинофильмлар кўрсатилади. Агитаторлар ўртасида иш олиб борганда, улар ишлаб туриш корхона ёки муассасанинг хусусиятлари э'тиборга олинмоқда. Агитаторларнинг иш характерига қараб, айрим-айрим доклад ва лекциялар ўтказилмоқда.

Район партия комитети партия а'золари камроқ бўлган ташкилотлардаги агитаторлар учун учта доимий семинар ташкил қилди. Бу семинарларда агитаторларга методик кўрсатмалар берилмоқда, уларнинг иш тажрибаси ўртоқлашилмоқда.

Район партия комитетининг кутубхонаси агитаторларга катта ёрдам бераётир. У адабиёт виставкалари ташкил қилмоқда, библиография номиклари тайёрламоқда, газеталардан зарур материалларни ажратиб бермоқда.

Н. Андреева агитацияни муваффақиятли олиб боришда бошланғич партия ташкилотининг ҳал қилучи ролини уқтириб ўтади. Омма блан маҳкам алоқада бўлаётган ташкилотларгина сиёсий агитацияни кундалик воқиаларга боғлаб оператив ва конкрет олиб боришни та'минлай олади.

«Красний Октябрь» фабрикаси партқомининг секретари М. Колчанова ўз мақоласида агитколлективнинг иши тўғрисида мазмунли ҳикоя қилади. Ўртоқ Колчанова агитколлектив оммавий-сиёсий ишни қандай ташкил қилаётганлигини, план учун курашда ҳарбир кишининг ўз вазифасини тушунишига, партия ташкилотининг та'сирини ва ёрдамини доим сезиб туришига эришаётганлигини жонли, ишончли мисоллар блан кўрсатади.

«Трёхгорная мануфактура» комбинати парткоми секретарининг ўринбосари В. Соколов ўз мақоласини сиёсий агитациянинг асосий формаси бўлган суҳбатларга бағишлайди. Агитаторнинг суҳбатга пухта тайёргарлик кўриши Коммунистик партия ва Совет ҳукуматининг қарорларини, кундалик воқиаларни, СССРнинг халқаро ва ички аҳволини ҳамда навбатдаги хўжалик-сиёсий вазифаларни яхшилаб тушунтириш имконини беради. Мақола автори агитаторларнинг суҳбатга қандай тайёрланишлари, бу ишда партия ташкилотининг бераётган ёрдами тўғрисида, суҳбат ўтказишнинг форма ва методлари ҳақида ёзади. Агитаторлар суҳбатларнинг сифатига, ғоявий-сиёсий савияси юқори бўлишига кўп э'тибор бермоқдалар.

«Компрессор» заводи партбюросининг секретари П. Никитин тўпламда агитаторнинг газетадан қандай фойдаланиши кераклиги тўғрисида ёзади. Ўқитиб ўтадики, агар агитаторнинг ўзи газеталарни, журналларни, брошюраларни муттасил ўқиб турса, энг муҳим материалларни ажратиб олабилса, шундагина матбуот материалларидан самарали фойдаланаолади.

Агитатор газета ёки журналдан бирор мақолани ўқиббериб, уни коллективнинг э'тиборини ўзига тортаётган масалаларга боғлайди, ишчилар олдида турган вазифалар ва бу вазифаларни бажариш йўллари тўғрисида гапиради.

Халқаро аҳвол ва кундалик ишлар тўғрисида суҳбатлар ўтказиш тажрибаси э'тиборни жалб қилади. Агитация ишининг бу формаси мамлакат ичидаги ва халқаро миқ'ёсдаги воқиалар блан систематик равишда танишиб боришга имкон беради. Бундай обзорли суҳбатларни яхши ўтказиш учун газета материалларини ва корхона ҳаётидан олинадиган мисолларни танлайбиладиган энг тажрибали агитаторларни тайинлаш керак.

Петр Алексеев номидаги фабрика партбюроси секретарининг ўринбосари Б. Ицков, биринчи автобус парки партбюросининг секретари Г. Фролов, Москва метро қурилиши сиёсий бўлимининг бошлиғи А. Ковалёв, Москва шаҳар комсомол комитетининг секретари Н. Агафонов ва бошқалар агитаторларнинг ишлари, уларнинг меҳнат унумини ошириш учун олиб бораётган кураши, агитация ишининг методикаси, агитаторнинг шахсан ўрнак бўлиши тўғрисида мақолалар ёзганлар.

Тўпламда кўрсатмали агитацияни ташкил қилиш, сиёсий докладлар ўтказиш тўғрисида, айрим участкаларда агитация олиб бориш методлари, аҳоли ўртасида сиёсий иш олиб бориш тўғрисида ҳам мақолалар бор.

«Омма ўртасида сиёсий иш» тўплами агитаторларнинг, агитколлектив раҳбарларининг ишларига катта ёрдам бериши мумкин.

И. МАРКОВ.

[1] «Политическая работа в массах» Из опыта организационно-массовой работы партийных организаций г. Москвы. «Московский рабочий», 1954 г. бет 160, баҳоси 1 с. 90 т.

Активлар кучидан тўлиқ фойдаланилмоқда

Сирдар'ё районидаги Ворошилов номли колхоз бошланғич партия ташкилоти қишлоқ активларига суянган ҳолда партиявий-сиёсий ишларни кучайтирмоқда. Партия ташкилоти бу соҳада айниқса ўқитучилар кучидан тўлиқ фойдаланмоқда. Қишлоқ мактабининг ўқитучилари, далачилик ва чорвачилик бригадаларига бириктилган. Улар пахтадан мўл ҳосил етиштириш, чорва моллари учун мустаҳкам ем-хашак базаси яратиш юзасидан қизғин суҳбатлар ўтказмоқдалар ва меҳнат интизомини мустаҳкамлашга муносиб ҳисса қўшмоқдалар.

Ўқитучиларнинг ёрдами блан «Колхозчилар овози» деворий газетаси ҳам яхши безатилиб, мазмунли чиқарилмоқда.

Партия ташкилоти яқинда активларнинг иштироки блан очиқ партия йиғилиши ўтказди. Йиғилишда 17-нчи тўлиқсиз ўрта мактабнинг ўқитучилари ҳам сўзга чиқиб, ишда йўл қўйилган камчиликларни кўрсатдилар ва партия ташкилоти ғўза парваришини кучайтириш, пичан тайёрлашни тезлатишга яқиндан раҳбарлик қилиши зарурлигини айтдилар.

Партия ташкилоти кенг активларга суянган ҳолда ишлаб, оммавий-сиёсий ишларни хўжалик ишларига боғлаб олиб бормоқда.

А. НАБИХУЖАЕВ.

Давлат плани маҳсулотнинг ҳамма турлари бўйича бажарилсин

Сиз Тошкентдаги «Электрокабель» заводининг директори К. Костиков, бош инженер М. Иоффе, ёки партия ташкилотининг секретари Н. Павли ўртоқлардан заводда ишлар қандай, деб сўраб қолсангиз, улар дарҳол: «Ишларимиз яхши, давлат планини ойма-ойига ошириб бажараяпмиз» деб бамайлихотир жавоб беришади. Бу ҳам етмагандай ғурурланиб: «Партия, ҳукуматимизнинг аҳоли истеъмол қиладиган буюмларни кўплаб ишлаб чиқариш ҳақидаги қарорлари заводимиз коллективи ўртасида пухта ўрганилиб чиқилди. Биз энди ўз ишимизни қайта қуриб ундай қилмоқчимиз, бундай қилмоқчимиз», деб қўйнингизни пуч ёнғоққа тўлдиришади.

Бироқ, уларнинг гаплари фақат биртомонлама тўғри. Чунки, завод чиндан ҳам ялпи маҳсулот ишлабчиқариш бўйича йил бошидан бери давлат планини ортиғи блан бажариб келмоқда. Лекин ассортимент бўйича топшириладиган маҳсулот уларнинг бу ютуқларига салбий та'сир қилмоқда, я'ни ассортимент бўйича берилган заказлар ўз вақтида бажарилмаётир. Мақтончоқ завод раҳбарларидан бу ҳақда сўраб қолсангиз нафаслари ичларига тушиб, лом-мим деёлмай, томоқ қириб қоладилар.

Аҳолининг кенг исте'мол молларига кунсайин ошиб бораётган талабларини максимал даражада қондириш учун барча саноат корхоналарида ҳамма мавжуд имкониятлардан тўла фойдаланиш, раҳбарликни ишлабчиқаришга яқинлаштириш, давлат томонидан белгиланган планнинг сўзсиз бажарилишини та'минлаш тўғрисидаги партия, ҳукуматимизнинг қатор қарорлари «Электрокабель» заводи раҳбарларига ҳам албатта ма'лум.

Аммо, заводдаги ҳақиқий аҳвол бу раҳбарларнинг «тили бийрон» бўлгани блан ишга яччалик тоблари йўқ эканлигини кўрсатади.

Завод бирнеча ойлардан бери ассортимент бўйича маҳсулот ишлабчиқариш планини бажараолмай келади. Бу кўнгилсиз аҳвол, асосан, завод раҳбарларининг уқувсизлиги, э'тиборсизлиги, ишга мас'улиятсизлиги оқибатида юз бермоқда.

Заводда икки йилдан бери ширпотреб цехи мавжуд. Бу цех ҳозирги сетканы, дазмол, плиткалар учун шнур, шунингдек уй-рўзғор хўжалиги учун турли комплектлар ишлаб чиқаради. Бу цех завод раҳбарлари томонидан кўрсатилган график бўйича ҳар ойда 260 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариши, ҳамма кўрсаткичлар бўйича планни тўла-тўкис бажаришга эришиши лозим.

Лекин цехда зарур бўлган хомаш'ёлар етишмайди. Кровать сетканы учун симлар, плиткалар учун шнурлар ўз вақтида келтирилмайди. Ана шунинг натижасида цех коллективи ўз планини белгиланган муддатда бажаришга эриша олмаётир. Айрим вақтларда ишчилар бекор туриб қолмоқдалар. Бу ҳақда ширпотреб цехининг бошлиғи завод директори ва бош инженерга ёрдам бериш ҳақида бирнеча бор мурожаат қилди. Аммо раҳбарлар цех бошлиғини алдаб ёлғон ва'далар бериш блан шуғулландилар, холос.

Завод та'минот бўлими ҳақида гап очсангиз, цех ишчи ва хизматчиларининг пешоналари тиришади. Чунки йил бошидан бери лоақал бир ой бўлса ҳам та'минот бўлими цех ишлаб чиқариши учун зарур бўлган хомаш'ё блан ўз вақтида та'минламаган. Доимо у бўлса бу, бу бўлса у етишмайди. Яқинда ўз бошлиғи ўртоқ Хун-Да-Цой заводнинг бош инженери олдига кириб, шнур ва кровать сетканы учун сим етишмаётганлиги ҳақида охирги марта арз қилди. Бироқ бош инженер шунда ҳам пинагини бузмай:

— Та'минот бўлимида ҳам иш жуда кўп. Сизнинг цехингизга керакли хомаш'ёларни келтириш ёдларидан кўтарилгандир, етказиб беришгунча бошқа иш қилатурингилар, — деб жавоб берди.

Шу кунларда цехда ишлабчиқарилаётган дазмолларнинг иккинчи учига ўрнатилиши лозим бўлган колодка топилмайди. Ана шунинг натижасида шнур тайёрлайдиган ишчилар кўпинча бекор туриб қолмоқдалар. Шунингдек уй-рўзғор хўжалиги учун комплекс набор тайёрлаш плани бажарилган бўлса-ҳам уларни жойлаш учун коробка бўлмаганлиги учун цех омборида уюм-тўда бўлиб тахланиб ётипти. Бундай аҳволда ассортимент бўйича планнинг бажарилмаслиги табиийдир. Ана шу сабабларга кўра ширпотреб цехи ҳар ойда ишлабчиқарилиши лозим бўлган 260 минг сўмлик маҳсулот ўрнига фақат 80—90 минг сўмликгина маҳсулот тайёрламоқда.

Заводда цехлар ўртасидаги контакт муносабати ҳам жуда ёмон ҳолда ташкил қилинган. Улар ўртасидаги алоқа ишлари чалкаштириб юборилган.

12-нчи ширпотреб цехи асосий полуфабрикатни 22-нчи цехдан олиши керак. Аммо бу хомаш'ё 22-нчи цехнинг ўзига зарур бўлгани учун уни 12-нчи цехга бероолмайди. Чунки, 12-нчи цех истаган шнур ва резина қопланган сим 22-нчи цехда ишлабчиқариладиган ШРПС номли товарга сарфланади. Кўриниб турипти, шнур ва резинали сим ҳар икки цехда ҳам етишмайди. Бу аҳвол кўпинча ҳар икки цех раҳбарлари ўртасида келишмовчиликларни юзага келтирмоқда. Завод ма'мурияти бўлса бу цехларни хомаш'ё блан ўз вақтида та'минлаш ўрнига бундай келишмовчиликларнинг холис та'мошабини бўлиб келмоқда.

Заводнинг 66-нчи цехида пўлат симларни пайвандлайдиган аппарат бирнеча ойлардан бери занг босиб ётипти. Бу аппаратнинг 66-нчи цех учун ҳеҳқандай кераги йўқ. Аппарат ширпотреб цехи учун эса жуда зарур. Ўртоқ Хун-Да-Цой бу аппаратни ўз цехига олиб бериш тўғрисида бош инженер Иоффега, шунингдек завод ишлаб чиқариш бўлими бошлиғига бирнеча марта мурожаат қилди. Лекин цех бошлиғининг бу илтимоси раҳбарлар томонидан оқибатсиз қолдирилди. Аппарат ҳали ҳам 66-нчи цехда заводга ҳеҳқандай фойда келтирмай, бекорга ўрин эгаллаб ётипти.

Шунингдек, заводнинг 9-нчи цехида иш анча ачинарли аҳволда. Ширпотреб цехи учун 3 минг оборотли 3 станок тайёрлаб бериш ҳақида буйруқ берилганига роса 5 ой бўлди. Лекин бу станокларни тайёрлаш ишига ҳалига қадар киришилгани йўқ. Ана шунинг натижасида 12-нчи цех пландаги 8 станок ўрнига 7 ойдан бери фақат 6 станокда ишлаб келмоқда.

Бундан хабардор бўлган завод раҳбарлари ишга бефарқ қараб келмоқдалар, фақат ўз тинчликлари ва осойишталиклари кўзламоқдалар.

Завод раҳбарларининг «ишчан»лигини тўлароқ кўрсатиш учун қуйидаги фактларга ҳам мурожаат қилишга тўғри келади.

Ширпотреб цехи завод ма'муриятининг кўрсатмасига асосан ҳар ойда 12 тоннадан резина коврик ишлаб чиқариши керак. Ваҳоланки, бу цехда резина коврик тайёрлайдиган биронта ҳам гидравлик пресс ва шприц пресслар топилмайди. Бу машиналар цехдан анча узоқдаги 22-нчи цехга жойлашган. Шу блан бир қаторда бу машиналар 22-нчи цехнинг ўзида ҳам ишлатилади.

Завод раҳбарлари ширпотреб цехини ма'лум станоклар блан тўла та'минламаганлари ҳолда, сувдан ҳалва ясаб бер, деганларидек резина коврикни талаб қиладилар. Я'ни 22-нчи цех ишлабчиқариши лозим бўлган маҳсулотни 12-нчи цехдан сўрайдилар. Бу эса раҳбарларнинг қайси маҳсулотни қайси цехдан талаб қилишни билмаганликларини кўрсатади.

Завод директори К. Костиков, бош инженер М. Иоффе ва завод партия ташкилотининг секретари Павли ўртоқлар цехларда юз бераётган бу камчиликларни, етишмовчиликларни албатта ҳисобга олишлари керак. Цехларни ма'лум аппарат ва машиналар, хомаш'ёлар блан та'минлаш ишига жиддий э'тибор беришлари лозим. Ана шундагина заводда ассортимент бўйича ҳам давлат планини бажариш мумкин бўлади.

З. ИСРОИЛОВ.

Меҳнаткашларга кино хизматини

Дала ишларини намунали ўтказиб, ғўзаларнинг мўл ҳосилли бўлишига эришайлик!

☆ ☆ ☆

ПАХТА ДАЛАЛАРИНИНГ ИЛҒОРЛАРИ

Оққўрғон районидаги Ворошилов номли колхознинг ўртоқ К. Ғаниев бошлиқ звено а'золари бу йил 100 центнерчилар ҳаракатига қўшилиб, ғўза парваришини юксак агротехника қоидалари асосида ўтказаётирлар. Ҳозир звено еридаги ғўзалар текис гуллаб, кўсакламоқда. **Суратда:** звено бошлиғи ўртоқ **К. Ғаниев.**

Қ. Розиқов фотоси.

Ўртасарой районидаги Охунбобоев номли колхознинг ўртоқ З. Фармонова бошлиқ комсомол-ёшлар звеноси колхозда илғор ҳисобланади. Бу йил звено а'золари 30 гектар ернинг ҳар гектаридан 45 центнердан ҳосил етиштиришга қарор қилганлар. Шу звеноннинг ерларида ўтган йилдагига қараганда 10 кун илгари ғўзалар кўсаклайбошлади. **Суратда:** ўртоқ **З. Фармонова.**

Қ. Розиқов фотоси.



Янгийўл районидаги Сталин номли колхознинг ўртоқ М. Жўраев бошлиқ звеносида 50 центнердан ҳосил етиштириш учун курашаётир. Звено а'золари шу кунларда фидокорона меҳнат қилиб, ўз мажбуриятларини ошириб бажариш мақсадида ғўза парваришини намунали олиб бормоқдалар. Звено ерларидаги ғўзалар текис кўсакламоқда. **Суратда:** ўртоқ **М. Жўраев.**

В. Салов фотоси.

☆

Чеканка бошланди

Оққўрғон районидаги Сталин номли колхознинг ўртоқ Рузвон Отахонова бошлиқ 5-нчи бригада а'золари 62 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 40 центнердан ҳосил етиштириш мажбуриятини олганлар. Бу ҳосилни етиштириш учун улар ҳосилга-ҳосил қўшиш ойлигида шонани гулга, гулни кўсакка айлантиришда фидокорона меҳнат қилиб муваффақиятга эришмоқдалар. Ҳозир ғўзалар 3 марта озиқлантирилиб, қондириб суғорилганлиги, культивация ва чопиқ сифатли ўтказилганлиги натижасида ҳарбир туп ғўза 10 — 15 ҳосил шохи чиқарди, 4 — 5 тадан кўсак олди.

Бригаданинг ишчан а'золари ҳозирги ҳосилнинг барчасини тўла сақлаб қолиш ва уни тез етиштириш учун муҳим агротехника тадбири бўлган ғўза чеканкасини ҳам бошлаб юбордилар.

Чеканка бригаданинг илғор, Хожиниса Маметова бошлиқ звеносида биринчи бўлиб бошланди. Чеканка қилишга Эрназарова, Кутпи Пўлатова сингари энг тажрибали колхозчилар ажратилди. Уларга агрономлар чеканкани ўтказиш йўлларини пухта тушинтириб бердилар. Чеканка қилиш устидан звено бошлиги шахсан назорат олиб бораётир.

Б. РАҲМОНОВА

Кекса пахтакорнинг ғайрати

Ғаниота кўпйиллик тажрибага эга бўлган кекса пахтакор ҳисобланади. У, Ўрмитачирчиқ районидаги Каганович номли колхозда 1944 йилдан то 1951 йилгача звено бошлиғи бўлиб ишлаган вақтда ҳар йили гектар бошига 70 центнердан кам ҳосил етиштирган эмас. Ғаниота Машарипов пахтадан мўл ҳосил етиштиргани учун ҳукуматимиз томонидан 3 марта Ленин ордени блан мукофотланди.

КПСС Марказий Комитети июнь Пленуми ҳамда Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ва Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг «Ҳосил тўплашнинг ҳал қилучи ойи — июльда ғўза парваришини ўтказиш ҳамда меҳнатни уюштиришнинг звено системасида йўл қўйилган катта камчиликларни тугатиш тўғрисида» деб чиқарган қарорини колхозда муҳокама қилиниши блаток. Ғаниота 1-нчи бригаданинг энг паст участкаси бўлган 17 гектар пахта майдонини олиб, звено бошлиғи бўлишга розилик билдирди.

Ғаниота июль ойида паст ғўзаларни олдинги ғўзалар блан баравараштириш учун шмалар қилиш зарурлиги ҳақида звено а'золари блан кенгашиб олди. Биринчи навбатда колхозчилар ўртасида меҳнат интизомини мустаҳкамлашга, меҳнатни тўғри ташкил қилишга катта э'тибор берилди. Ҳозирги кунда ғўзани агротехника қоидаларига мувофиқ озиқлантириш пахтадан мўл ҳосил олишда ҳал қилучи роль ўйнаши тушунтирилди. Дала бошига минерал, қўй қийи ва бошқа ўғитлар чиқарилмоқда.

Ғаниота бошлиқ звено а'золари КПСС Марказий Комитетининг июнь Пленуми қароридан руҳланиб, 17 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 31 центнер ўрнига 55 центнердан пахта ҳосили етказиб бериш мажбуриятини олдилар.

Ҳ. СУЛТОНОВ.

Паркентда ғўза парвариши пала-партиш ўтказилаётир

ПАРКЕНТ, (**«Тошкент ҳақиқати» мухбиридан**). Биз, Номданак қишлоқ советидаги Молотов номли колхозда бўлдик. Колхоз ҳосилот советининг раиси ўртоқ Йўлдош Фозилов: «Ғўзаларни яхши парвариш қилаётирмиз, гектаридан 20 центнер эмас, кўпроқ ҳосил берамиз», дея мақтанди.

Ҳосилот советининг раиси Фозилов кўрсатган пайкалдаги ғўзаларнинг ўсуви турлича, бир ярим гектар ердаги ғўзани ўт босиб кетган. М. Юнусов бошлиқ бригадага қарашли бошқа ердаги ғўзалар ҳам ана шу хилда «парвариш» қилинаётир.

Ғўзаларни суғоришда агротехника қоидаларига риоя қилинмаётир. Ҳосилот советининг раиси Фозилов ицга ўтакетган бепарволик блан қарамоқда. Айрим колхозчиларнинг оила а'золари колхоз ишлабчиқаришида қатнашмайди. Колхозда меҳнат интизоми бўшашиб кетган, Ба'зи колхозчилар шахсий хўжаликларидаги турли ишлар блан банд. Колхозда ғўза парваришининг сур'ати ҳам, сифати ҳам паст. Ҳалигача иккинчи чопиқ тугалланмаган.

Шу қишлоқ советидаги Охунбобоев номли колхозда аҳвол бундан ҳам ачинарли. Бу колхознинг камқувватлиги ҳақида кўп гап бўлади. Район ташкилотлари ва МТС раҳбарлари мўл ҳосил етиштиришга «яқиндан ёрдам берамиз» деб дабдабали ва'да бериб, ҳаммаёққа жар соладилар. Бу ва'далар бажариладими? Бажарилмайди, оғизда қолиб кетади.

МТС колхоз блан тузган шартномасига мувофиқ ғўзаларни культивация қилиб ўтгилаши, эгат олиб мўл ҳосил учун замин яратиши керак эди. МТС колхозга битта «универсал» юборди-ю хотиржам бўлди. «Универсал» 18 гектар ердаги ғўзани культивация қилиш блан бузилиб, ишдан чиқди. «Универсал» роса 40 кун ғўза ичида бузуқлигича ётди. Шу вақт ичида МТС бош агрономи М. Нуриддинов колхозда кунора бўлди, МТС партия бюросининг секретари, райкомнинг бюро а'зоси И. Ким колхозга бирнеча марта келиб кетди. Улар бузилиб, ишдан чиққан тракторни ўз кўзлари блан кўрдилар. Аммо тузатиб ишга солиш чорасини кўрмадилар. МТС дан колхозга бошқа «универсал» юборилди. У ҳам 32 гектар ердаги ғўзани культивация қилиб тақа-тақ тўхтади. Икки трактор 45 кун ишга туширилмай бекор турди. Шундай қилиб МТС бор-йўғи колхознинг 60 гектар ердаги ғўзасини культивация қилиб берди. Мана сизга МТС раҳбарларининг ғўза парваришига муносабати, камқувват колхозга берган ёрдами.

Паркент қишлоқ советидаги Сталин номли колхознинг ўртоқ Мирпўлатов бошлиқ бригада а'золари КПСС Марказий Комитети июнь Пленуми қароридан руҳланиб, мўл ҳосил учун курашни кучайтирдилар. Улар 50 гектар ердаги ғўзани юксак агротехника қоидаси асосида парвариш қилиб мўл ҳосил учун пухта замин тайёрлаётирлар. Бригаданинг ғўзалари нормал ўсиб шохлаб, текис гулга кирган. «Коммуна» колхозида ҳам 25 — 30 центнердан пахта ҳосили етиштириш учун астойдил курашаётган илғор бригада, звенолар бор. Буларнинг иши Паркент райони колхозларида ғўза парваришини тез сур'ат блан юқори сифатли ўтказиб, олинган мажбуриятни та'минлайдиган миқдорда ҳосил етказиш учун ҳамма имконият борлиғини исботлайди. Броқ, колхозларда ғўза парвариши палапартиш уюштирилганидан ғўзаларнинг ривожланиши оғир аҳволда қолдирилган, ҳашоратларга қарши кураш ҳам ташкил этилмаган.

Районда ғўза парваришини кучайтириш юзасидан йиғилиш ўтказилди, райкомнинг пленуми чақирилди, колхозларга вакиллар юборилди. Шу кунларда ҳам тез-тез мажлислар бўлиб турипти. Ўтказилган кенгаш, мажлис қарорларида ёзилган топшириқлар амалга оширилмай қоғозда қолиб кетмоқда. Айниқса, ҳосил тўплаш ойлигида ҳам ҳеч иш қилинаётгани йўқ, дейиш мумкин. Район партия, совет ташкилотлари ва колхозларнинг раҳбарлари «планни бажарсак бўлдими» деб ўзларини юпатмоқдалар. Ваҳоланки, район колхозларида ҳосилнинг тақдири хавф остида қолаётир.

САДРИДДИН АЙНИЙ

Совет адабиёти ва фани катта жудоликка учради: 15 июльда отоқли совет ёзучиси, маданият ва фанининг йирик арбобларидан бири, тожик ва ўзбек совет адабиётининг асосчиси, Тожикистон ССР Фанлар Академиясининг президенти, Ўзбекистон ССР Фанлар Академиясининг фахрий а'зоси, СССР Олий Советининг депутати, Сталин мукофоти лауреати, филология фанлари доктори Садриддин Саидмуродович Айний вафот қилди.

Садриддин Айний ўзининг бутун ҳаётини, бутун ёзучилик ва олимлик талантини, ўзининг бутун ижтимоий фаоллиятини коммунизм ишига, совет халқига, социалистик Ватанга хизмат қилишга бағишлади.

Садриддин Айний 1879 йилда Бухоро амирлиги таркибидаги Ғиждувон туманининг Соктар қишлоғида, деҳқон оиласида туғилди.

Ёшлик йилларида саводини чиқариб олган С. Айний Бухорога бориб, ўқишни давом эттирди. Садриддин Айний камбағал болалар учун мактаб очди, бу мактабда ўзи дарс берди, дарсликлар ёзди ва дастлабки ше'рий асарларида халқни билим олишга чақирди.



Садриддин Айний Ўрта Осиёнинг биринчи ма'рифатчилари бўлган Аҳмад Дониш блан Зокиржон Фурқатнинг шонли традицияларини давом эттириб, рус халқи блан дўст бўлишга, рус тилини ўрганишга чақирди ва рус маданиятини астойдил тарғиб қилди.

У йигитлик вақтдаёқ феодальлар Бухорosининг истибдодига, зулмига ва хурофотига қарши, меҳнаткаш халқнинг озодлиги ва бахти-саодати учун қаттиқ курашди. С. Айний эрксевар ғоялари учун зиндонга ташланди ва қаттиқ жисмоний жазога дучор қилинди. Фақат рус революцион солдатлари ва ишчиларнинг ёрдами туфайли у зиндондан қутилиб, Самарқандга кетишга муваффақ бўлди.

Садриддин Айний Улуғ Октябрь Социалистик революциясини чин юракдан табриклади. У Совет ҳокимиятининг дастлабки кунларидан бошлаб совет қурилишида актив қатнашди, халқ маорифи соҳасида ва совет матбуотида ишлади.

Октябрь революцияси Садриддин Айнийнинг ижод қилиши учун кенг йўл очиб берди. У ўзининг революцион ше'рларида меҳнаткаш халқнинг қаҳрамонликларини, Шарқнинг мазлум халқларига бахт-саодат келтирган Совет Ҳокимиятини куйлади. У ўзининг асарлари блан Бухоро амирлигига қарши омонсиз курашди. 1920 йилдан бошлаб эса Бухоро революциясига актив қатнашди.

Ўзбек халқи Ҳамза Ҳакимзода блан биргаликда ўзбек совет адабиётига асос қўйганлардан бири бўлган Садриддин Айнийни чексиз қадрлайди ва севади.

1922 йилда С. Айнийнинг Бухоро амирлигининг тарихи тўғрисидаги очерки ва «Бухоро жаллодлари» номли биринчи проза асари босилган эди. Шундан кейин унинг йирик асарлари — «Одина» повести, «Дохунда» ва «Қуллар» романлари, «Судхўрнинг ўлими» ва «Ётим» повестлари, ҳамда унинг «Бухоро» номли ажойиб асари нашр қилиндики, булар кўпмиллатли совет адабиётининг олтин фондидан ўрин олди.

Айний асарлари феодалларга, золимларга, хурофотчиларга, эксплуататорларга нисбатан нафрат уйғотади ҳамда совет китобхонларида совет Ватанига ва социалистик тузумга чексиз муҳаббат туйғуларини вужудга келтиради.

Садриддин Айний асарлари социалистик Ватанга, халққа ва жонажон Коммунистик партияга буюк муҳаббат туйғулари блан суғорилган ва катта тарбиявий аҳамиятга эгадир.

Тарихчи, адабиётчи ва тилшунос бўлган Садриддин Айний совет фанини ривожлантиришда катта хизматлар қилди. У тожик ва ўзбек адабиётининг классикларига бағишланган илмий асарларида марксча-ленинча эстетика мавқиида турди. С. Айний ёш ёзучи ва адабиётшуносларнинг бутун бир авлодини тарбиялади.

С. Айний социалистик маданиятни ривожлантиришдаги катта хизматлари учун уч марта Ленин ордени блан ва иккимарта Меҳнат Қизил байроқ ордени блан мукофотланди.

Айнийнинг «Бухоро» номли асари 1952 йилда Сталин мукофотига сазовор бўлди.

Садриддин Айнийнинг китоблари Совет Иттифоқи халқларигагина ма'лум бўлиб қолмасдан, балки мамлакатимизнинг ташқариларида ҳам машҳурдир.

Отоқли ёзучи, олим ва дўстимиз Садриддин Айнийнинг образи Ўзбекистон меҳнаткашларининг қалбларида ҳамиша яшайди.

Ойбек, Абдулла Қаҳҳор, М. Ашрафий, С. Азимов, Ғафур Ғулом, К. Е. Житов, Т. Зоҳидов, Зулфия, А. М. Иванов, О. Эшонов, С. Эшонтўраева, В. А. Мильчаков, Мирмухсин, И. Мўминов, Р. Набиев, Х. Носирова, И. Раҳимов, В. В. Решетов, Т. Саримсоқов, Туйғун, Уйғун, С. С. Черник М. И. Шевердин, С. Юнусов, Яшин.

Ўзбекистон ССР Фанлар Академиясининг президиуми, Ўзбекистон ССР Фанлар академияси гуманитар фанлар бўлимининг бюроси ва ҳамма а'золари Тожикистон ССР Фанлар академиясининг президенти, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг фахрий а'зоси, отоқли фан ва маданият арбоби, ёзучи

САДРИДДИН АЙНИЙнинг

1954 йил 15 июльда вафот этганлигини чуқур қайғу блан билдирадилар ва марҳумнинг оиласига чин юракдан та'зия изҳор қиладилар.

Ўзбекистон Совет ёзучилар союзининг президиуми ва партия бюроси отоқли совет ёзучиси ҳамда совет фани ва маданиятининг йирик арбоби

САДРИДДИН АЙНИЙнинг

1954 йил 15 июльда, 76 ёшида вафот қилганини чуқур қайғу блан билдиради ва марҳумнинг оиласига самимий та'зия изҳор қиладиҳ.

Ёш шоирнинг хотира дафтари

Ўзбек Совет адабиётининг ёш авлодига мансуб бўлган талантли шоирлардан Темир Ма'руфий эди У, Самарқанда яшади, ижод қилди. Темир Ма'руфий қисқа умр (1920—1950) кўрган бўлса ҳам унинг ижоди анча самаралидир. Ма'руфий Улуғ Ватан уруши арафасида ўзининг дастлабки ше'рлари блан адабиёт майдонига кириб келди. Ма'руфий ўрта мактабда ўқиб юрган вақтидаёқ ўз устида қунт блан ишлаб, китобхонларга маъзур бўлган бирқанча ше'рлар ёзди ва уларни Самарқанд область ва республика газеталарида э'лон қилди. Ма'руфий адабий тўгарак ва кечаларда мунтазам қатнашарди ва ёзган янги ше'рларини кенг ўқучилар муҳокамасига қўярди. Бу яхши хислат унинг ижодида янгилик яратиш ва поэтик қоидаларни пухта эгаллаб, яхши асарлар яратишга ижодий манба' бўлиб хизмат қилди.

Ўзбекистон ССР Давлат нашриёти яқинда марҳум ёш шоир Темир Ма'руфийнинг «Ше'рлар»[1]) тўпламини нашр этди. Ёш шоирнинг бу хотира дафтарида унинг 20 ше'ри босилган. Бу ше'рларнинг тематикаси хилма-хил ва актуалдир.

Темир Ма'руфийнинг нашр қилинган «Ше'рлар» тўпламидаги асарлари ёш шоирнинг социалистик воқи'лигимизни ҳартомонлама ва тўғри акс этдиришидан, унинг қалби она-Ватан, бахтли ҳаёт, совет кишиларининг порлоқ истиқбол йўллари блан ҳамнафас эканлигидан далолат беради.

Шоирнинг «Ленин», «Яшасин тинчлик», «Ватан севгиси», «Москва», «Ўзбекистон», «Она ва фарзанд», «Врач», «Теримчи қизга» ва бошқа ше'рлари бутун мазмуни блан унга илҳом берган реаль социалистик тузумни ёрқин ифодалайди. Коммунистик партия ва совет давлатининг асосчиси, бутун дун'ё меҳнаткашларининг улуғ доҳиси Владимир Ильич Ленининг ўлмас образи, унинг буюк ишлари ёш шоирга илҳом бағишлайди. Ёш шоир Советлар Ватанида тўгилиб ўсди, ўқиди, улғайди, миллионмиллион совет кичилари қаторида бахтли ҳаёт кечирди. Ана шу бахтли ёшлик, қувноқ ҳаёт учун доҳий хотирасини буюк эҳтиром блан улуғлайди. Ма'руфий доҳийнинг абадий барҳаёт эканлигини, партиямиз Ленин ишини давом эттириб, унинг байроғини баланд кўтариб, халқимизни коммунизмнинг порлоқ истиқболи сари бошлаб бораётганлигини қуйидаги равон, мазмундор, пухта мисра'ларда куйлайди:

Йиллар ўтмоқдадир,
Ленин барҳаёт!
Кўзимнинг ўнгида —
Ўлмас сиймоси,
Тоза юрагимда,
Фикру зикримда
Доно сўзларининг
Янгроқ садоси!
Унинг байроғини
Баланд кўтариб,
Қадам ташлаймоқда
Улуғ партия
Фаровон ҳаётга —
Коммунизмга
Олиб борар
Шонга тўлиқ партия!

Шоир беполён, бахтиёр Ватанимизни, оқ олтин ўлкаси Ўзбекистонни, буюк мамлакатимизнинг пойтахти Москвани улуғлайди. Бу темада у «Ватан севгиси», «Москва» ва «Ўзбекистон» ше'рларини ёзади. «Ватан севгиси» ше'рида она-Ватанда ҳамма тенгҳуқуқли эканлиги, эркин нафас олиши, Совет кишилари бахт қуёши порлаб турган Ватанга ҳамла қилган душманларга қарши жанг қилганлиги ва галаба қозонганлиги, партия янги зафарларга бошлаб бораётганлигини куйлайди. Шоир бу ше'рни қуйидаги ватанпарварлик сатрлари блан тугаллайди:

Биз сенинг фарзандинг, Ватан севгиси —
Ҳарқандай севгидан албатта устун.

Ма'руфий жонажон, улуғ Москвани бориб кўрганлигини, Москва улуғ социализм мамлакатининг улуғ пойтахти, бахтли ҳаёт, куч-қудрат, баҳодирлик тимсоли эканлигини чин қалбдан, тараннум қилади:

Бахтлиман сен блан,улуғ Москвам,
Мардлик, баҳодирлик, қудратим ўзинг!
Жаҳонга эркинлик намунасисан,
Халқлар иқболини кўради кўзинг!

Ёш шоир янги ше'р ижод қилар экан, дастлаб, бу ше'рнинг ҳам мазмун, ҳам бадиий жиҳатдан пухта ва оригинал бўлишига катта э'тибор қилади. Тўпламдаги ше'рларнинг ҳарбири ўзига хос оригиналликка эга. Шоирнинг қофия, вазн ва бошқа поэтик воситаларининг ранг-баранг бўлишига жиддий э'тибор берганлигини унинг «Ўзбекистон», «Врач», «Фронтга кетаяпман» ва бошқа ше'ларида аниқ кўриш мумкин.

Совет хотин-қизлари, она ва фарзанд темаси ёш шоир ижодида кенг ўрин олган. Ма'руфий бахтиёр совет хотин-қизлари, қувноқ ёш авлод ҳақида қалам теббратар экан, бу бахтли ҳаётимиз ижодчиси, ташкилотчиси шонли Коммунистик партиянинг улуғ раҳбарлик ролини, халқимиз тўғрисидаги доимий меҳрибонлигини тараннум этади. Унинг «Она ва фарзанд» ше'рида онанинг болага ва боланинг онага бўлган чексиз меҳрибонлиги, бизнинг Улуғ Ватанимизда она ва фарзандлар бахтиёр ҳаёт кечираётганлиги тасвирланади, совет ҳокимияти туфайли хўжалик ва маданий ҳаётнинг турли соҳаларида актив иштирок этаётган оналар куйланади. Ёш шоир ўзининг «Совет хотин-қизларига» деган ше'рида коммунистик қурилиш фронтларида актив ишлаётган совет хотин-қизларини улуғлайди.

Тўпламда шоирнинг саноат ва қишлоқ хўжалиги илғорлари ҳақида ёзган ше'рлари ёсилган. Бундай ше'рлар қаторида унинг тўқимачилик фабрикаси қизи тилидан «Теримчи қизга» ва колхозчи теримчи қизи тилидан «Фабрика қизига» бағишланган ше'рларини кўрсатиш мумкин. Бу икки ше'рда бири корхонада, бири пахта даласида фидокорона меҳнат қилаётган совет қизларининг олижаноб туйғулари ифода қилинган. Уларнинг она-Ватанимизнинг янада қудратли бўлиши учун, халқимиз фаровонлигини бундан кейин ҳам янада ошириш учун зўр ғайрат блан ишлаётганлиги тасвирланган.

Темир Ма'руфий Ватанимиз чегаларининг хавфсизлигини ҳуш'ёрлик блан қўриқлаб турган Совет посбонлари ҳақида, шунингдек Улуғ Ватан уруши фронтларида мислсиз қаҳрамонликлар кўрсатган баҳодир жангчиларимиз тўғрисида ҳам бирқанча ше'рлар ёзиб қолдирди. Тўпламга киритилган «Мен — чегарачи», «Фронтга кетаяпман», «Жангчига», «Дўстлик мадҳияси» ше'рлари ана шу темадаги асарлардир.

Тўпламда бирқанча лирик ше'рлар ҳам босилган. Шоир бу ше'рларда оила, муҳаббат, дўстлик, садоқат темаларини куйлайди. Ма'руфий лирик сатрларда қувончли дамларни, бахтли учрашув ва самимий дўстликни, тотув ҳаётни ифодалайди.

«Тўй-тамоша қилайлик, Ватан —
Гулшанида яшаб бахтиёр.
Кимки, чиндан севса ёрини,
Умри бўлар ҳамиша баҳор!
(«Эслайсанми, жонажон дилбарим» ше'ридан).

Ёш шоир мамлакатимиз саноатлашиб, қудратли колхоз тузуми ғалаба қилган даврда яшаб, ижод қилди. Улуғ Ватан уруши халқимизнинг оламшумул-тарихий ғалабалари блан тамомланди. Она-Ватанимизнинг куч-қудрати янада мустаҳкамланди, халқимизнинг ма'навий бирлиги ўсди, совет ватанпаварлиги ошди, халқлар дўстлиги қудратли кучга айланди. Ёш шоир Ма'руфий ана шундай улуғ қурилишлар, ижодий юксалишлар йилларида ижод қилди. Унинг ше'рлари бахтиёр халқимизнинг фаровон ҳаётини, юксак ватанпаварлигини, партия ва ҳукуматга чексиз садоқатини куйлайди. Ёш шоир бевақт оламиздан кетмаганда, албатта, янги ше'рлар ёзган ва янги тўпламларини нашр этган бўлар эди.

Темир Ма'руфийнинг тўпламидаги ше'рларнинг айримлари ҳали бадиий жиҳатдан юксак даражада, тугал ше'рлар бўлмасада, броқ улар оригиналлиги ва характерли воқеаларга бағишланганлиги блан аҳралиб туради. Китобхон тўпламдаги ше'рларни ўқир экан, ёш шоир ўз ше'рларининг мазмуни ва поэтик жиҳатдан пухта бўлиши учун катта э'тибор берганлигини тез аниқлаб олади.

Ўзбекистон ССР Давлат нашриёти томонидан марҳум ёш шоирнинг айрим ше'рларини тўплаб нашр этилиши ижобий воқиадир. Броқ, тўплам ҳали ёш шоир ижодига нисбатан кичик бир хотира дафтардир. Ма'руфий ёзиб қолдирган кўп ше'рлар ҳали тўплам ҳолида нашр этилмаган. Унинг асарларини тўплаб нашр этишда Ўзбекистон Совет Ёзучилар союзи, шунингдек Ўзбекистон ССР Давлат нашриёти конкрет тадбирлар белгилашлари керак. Китобхон каттами-кичикми, қандай ҳажмда бўлмасин совет тузумимиз ғалабаларини куйлаган ватанпарвар шоирнинг ше'рларини зўр иштиёқ блан ўқийди.

Н. ЭГАМНАЗАРОВ.

[1]) «Ше'рлар». Ўздовнашр. 1954 йил.

Қозоғистон сан'ат усталари Тошкентга келди

Қардош Қозоғистон сан'ат усталаридан бир группаси Тошкентга гастрольга келди. Концерт бригадаси составида Бухарестда бўлиб ўтган ёшлар ва студентлар Халқаро фестивалининг лауреати Қозоғистон давлат халқ чолғу асбоблари оркестри, Сталин мукофоти лауреати, СССР халқ артисти Кулаш Бойсеитова ва бошқа сан'ат арбоблари бор.

Қардош республиканинг артистлари Тошкентда, республиканинг область ва саноат марказларида концертлар қўйиб, Ўзбекистон меҳнаткашларини қозоқ халқининг ўз музика маданиятини ривожлантиришдаги муваффақиятлари блан таништирадилар. (ЎзТАГ).

Маданий -оқартув ходимларининг янги отряди

Бу йил Ўзбекистон ССР Маданият Министрлиги маданий-оқартув муассасалари бош бошқармаси сиёсий-оқартув республика мактабининг клуб ва кутубхона ходимлари тайёрлаш бўлимларини 111 киши тамомлаб чиқди. Студентлардан, комсомол а'золари В. Сурнина, Ф. Ражинская, Г. Климут, Ф. Ахмедьянова, К. Калилаев, М. Пирманов, Т. Жўраев, Б. Ўринбоев ўртоқлар мактабни а'ло баҳода тамомладилар. Улар ўқишни давом этдириш учун Москва ва Ленинград шаҳарларидаги кутубхоначилар институтларига юборилдилар.

Мактабни тамомлаб чиққан бошқа ўқучилар республикамизнинг шаҳар ва районларидаги кутубхона ва маданият уйларида ишлаш учун жўнаб кетадилар.

Янги ўқув йилида мактабга янгидан 240 киши қабул қилинади.

А. ГАВРИЛОВ.

Пионер лагерьларининг биринчи сменасида 7500 бола дам олди

Тошкент шаҳар партия комитетида пионер лагерьларининг биринчи смена иш якунларига бағишланган кенгаш бўлиб ўтди. Кенгашда Ўзсовпроф раисининг ўринбосари ўртоқ И. М. Парамошкин доклад қилди.

Тошкент шаҳри атрофида касаба союз ташкилотларининг 35 та пионер лагерьлари ишлаб турипти. Лагерьларнинг биринчи сменасида 7500 бола дам олган.

Кенгаш, электростанция ва электр саноати ишчилари, қурилиш материаллари саноати, коммунал уй-жой қурилиши, давлат савдоси ва умумий овқатланиш ходимлари, Тошкент трамвай-троллейбус трести касаба союз республика комитетларининг пионер лагерьларида болаларнинг ёзги дам олиши яхши йўлга қўйилганлигини қайд қилиб ўтди.

Катта қулайлик

Тошкент трамвай-троллейбус трести меҳнаткашларнинг талабларини назарга олиб, вокзал блан Чорсу ўртасида қатнайдиган 1-нчи трамвай рельсини никита қилиб қайта қурди. Ҳозир Молотов номидаги Тошкент Медицина институти ва Комсомол кўли орасида қатнайдиган 4-нчи трамвай ҳам Чорсутача бормоқда.

Илгари меҳнаткашлар Чорсуда ва бошқа остановкаларда қарши томондан келучи (встречний) трамвайни анча маҳалгача кутар эдилар. Трамвай рельси никита қилинганидан бери Чорсуга деярли ҳар 3—5 минутда трамвай келиб турадиган бўлди. Бу меҳнаткашларга катта қулайлик тутдирмоқда.

ЁШ БАЛЕТ АРТИСТЛАРИ

Ўзбек хореография билим юртини тамомлаб чиқучиларга дипломлар топшириш маросими бўлди. Билим юртини тамомлаб чиққан 27 йигит ва қиз Алишер Навоий номидаги опера ва балет театри, Муқимий номидаги музикали драма ва комедия ўзбек театри, Ўзбек давлат филармонияси ва эстрадаси коллективларига ишга юборилди.

Билим юртини тамомлаб чиқучилар Ўзбекистон пойтахти жамоатчилигига кўрсатилган диплом спектаклида композитор Пунининг «Конек-горбунок» балетини зўр муваффақият блан қўйдилар.

Бу йил хореография билим юртининг биринчи курсига болалар бадиий ҳаваскорлар тўгаракларининг қатнашчиларидан 20 ўғил ва қиз бола қабул қилинади. Хореография билим юртида ўқиш муддати 9 йилгача узайтирилди. Билим юртини тамомлаб чиқадиган йигит ва қизларга етуклик аттестати ва балет артисти номи берилганлиги тўғрисида диплом топширилади.

Суратда: Алишер Навоий номли опера ва балет театрида ўйналган «Конек-горбунок» балетидан бир кўриниш — Тошкент хореография мактабини бу йил тамомловчилардан **Анатолий Меренцов** ва **Светлана Филимоновалар** танца ижро этмоқдалар.

В. Лейн ва Б. Мазур фотоси (ЎзТАГ фотохроникаси).

Гуллар виставкаси

Шу кунларда Карл Маркс кўчасидаги гулчилик магазини жуда ҳам гўзал бўлган. Столларда ҳам, махсус полкаларда ҳам, ойна витриналарида ҳам гул, вазаларда ҳам гул. Гуллар шундай чиройли қилиб тартиб блан қўйилганки, худди чаманзорга ўхшаб кишини ўзига жалб қилади.

Тошкент гулчилари кўнгилли жамияти бошқа шаҳарлар тажрибасидан фойдаланиб, биринчи марта гуллар виставкасини ташкил қилди. Виставкага гулчилар ўстирган гуллардан ташқари, Ўзбекистон ССР Фанлар академияси ва В. И. Ленин номидаги Ўрта Осиё Давлат университетининг ботаника боғларида ҳамда Сталин район оранжериясида ўстирилган гуллар қўйилган.

Гулчиларнинг эришган муваффақиятлари виставкани келиб кўручилар диққатини ўзига тортмоқда. Ҳозир кўргазмага 230 хил гул қўйилган. Булар орасида алиандра, дроцени, цинирус, герань, пальма (хурмо), фикус, аспидистра, бегония, лилия каби жуда кўп уй гуллари бор. Виставка 10 кун очиқ бўлади. Бу давр ичида гуллар хилининг сони 1500 га етади.

Виставкани кўплаб кишилар келиб кўрмоқдалар. Фақатгина ўтган дам олиш кунида бу ерга 7000 киши келиб кетди. Виставка Совет Ўзбекистонининг хилма-хил гулларга бой эканлигини намойиш қилмоқда.

Колхозлар янги мактаблар қурмоқдалар

Янгийўл районидаги Ворошилов номли колхознинг марказида қишлоқ хўжалик артелининг бўлинмас фондидан ажратилган маблағ ҳисобига ўрта мактаб биноси қурилаётир. Мактаб биноси типовой проект бўйича қурилмоқда. Мактабда синф хоналаридан ташқари ҳархил ўқув кабинетлари, лабораториялар, спорт зали, педагоглар учун квартиралар бўлиши кўзда тутилади. Биринчи сентябрьда бу ерда пахтакор ва механизаторларнинг болаларидан бир мингга яқин бола ўқишга келади.

Ҳозирги вақтда Тошкент областида 32 та колхоз типовой проектлар бўйича ана шундай мактаб бинолари қураётир. Областьдаги қишлоқ хўжалик артельлари мактаб бинолари қуриш ва ўқув кабинетларини жиҳозлаш учун бу йил бўлинмас фондлардан 30 миллион сўмдан кўпроқ маблағ ажратилди. Бу эса ўтган йилдагига қараганда қарийб тўрт баравар кўпроқдир.

«РУСЧА-ЎЗБЕКЧА ЛУҒАТ»НИНГ НАВБАТДАГИ ТОМЛАРИ НАШРГА ТАЙЁРЛАНМОҚДА

Ўзбекистон ССР Фанлар академияси А. С. Пушкин номидаги Тил ва адабиёт институтининг луғат сектори 5 томли «Русча-ўзбекча луғат»нинг 3 томини нашр этган эди. Ҳозир сектор бу луғатнинг қолган 4-нчи ва 5-нчи томларини шу йилнинг охиригача тўла нашр этиш устида қизғин ижодий иш олиб бормоқда. Шу кунларда луғатнинг 4-нчи томи нашрга тайёрланди ва наборга топширилди. Бу том июль ойининг охирларида босмадан чиқарилади ва китобхонларга тақдим этилади.

Сектор луғатнинг охирги—5-нчи томини республикамизнинг 30 йиллик юбилейигача нашр қилишни мўлжалламоқда.

Шундай қилиб, бу йил ўзбек китобхонлари 72 минг сўзли «Русча-ўзбекча луғат»га эга бўладилар ва рус тилини ўрганишда катта қулайликларга эришадилар.

Редакция почтасидан

Ноинсоф қассоблар

— Биродар, қассоб Содиқовни танийсизми? — деб сўради катта йўлдан кетаётган киши ҳамроҳидан.

— Ҳа, яхши танийман. Нима бўпти?

—Нима бўларди. Қўшхонага мол сўйдириш учун келган колхозчиларни чўмичда қоқадиган бўпти. Тунов куни Каганович номли колхоз даласидан келаётган эдим, бирдан қўшхонада ғала-ғовур кўтарилиб қолди. Нима гап бўлди, деб қўшхона томон бордим. Борсам, шу куни қассоб Содиқов тоби қочиб қолиб, ўрнига тоғаси Усмонакани юборган экан. Тоғаси ҳам ўндан тўққизини урадиган учар экан. У, Сталин номли колхознинг аъзоси Эгамбердиевнинг колхоздан сотиб олган брак молини сўйиб берипти-да, «ходис» хизмати учун 10 кило лаққа гўштни олиб қолибди. Тағин нима дермиш денг? «Мен инсоф қилиб, оз олдим. Жиянимнинг ўзи бўлганда 20 килограммдан бир грамм ҳам кам олмас эди» депти. Эгамбердиев «Жияни келиб яна 10 килограмм гўшт талаб қилиб қолмасин, вақт ганиматида жўнаб қолай» деб шоша-пиша йўлга тушипти. Лоп этиб йўлдан Содиқов чиқиб қолипти. Эгамбердиевни тўхтатиб, «қушхона хизмати учун» деб 15 сўм олиб, квитанция ёзиб беribди. Шу куни қушхонада 5 та от, 2 та қорамол сўйилди. Кишининг ҳақини ейишга устихони йўқ бу саллоҳлар 70 килограмм гўшт тўплашди. Гўшт уларнинг гумаштадари орқали сотилиб пул қилинди.

— Ҳали шундай денг? — деди воқиани тинглаб бораётган ҳамроҳи, — районда уларнинг «иштаҳасини» пасайтириб қўйдиган ҳечким йўқми? Оббо нафсингга чопон тиқилгурлар-эй, икки киши бир кунда 70 килограмм гўшт ишласа-я.

— Биродар, районда ҳечким йўқ эмас. бор. Бу устомон саллоҳлар райондагиларнинг ҳам оғзини мойлаб қўйган бўлса, нима дейсиз.

— Э, еган оғиз уялар, денг.

— Чўмичда қоқиш бу блан тамом бўлмайди. Гўштнинг Содиқов, Усмон Охунжонов қўлидан соғ-саломат чиққан қисми бозордаги гўшт сотучи қассоблар томонидан ҳам юлқиланади.

Бундай ярамас ҳоллар ҳақида Ўртачирчиқ район «Заготживсирье» идораси бошлиғи Носиров, район бозори директори К. Қосимов ўртоқларга гражданлардан бирнеча бор шикоятлар келган. Аммо бу ўртоқлар кўзларини кўр, қулоқларини кар қилиб ўтириптилар. Шикоятлар ҳамон оқибатсиз қолиб келмоқда.

Т. ИУЛДОШЕВ.

Шамсиддинов „лом-мим" демади

— Ҳа Бек, бир нуқтага қадалиб қолибсиз?

— Уч кундан буён шу меҳмонхонада турибман. Ҳар куни анави соатга юз марта қарайман, — деди у, меҳмонхона пештоқидаги катта электр соатни кўрсатиб, — ҳамавақт 2 ни кўрсатади.

— Демак, юрмайди денг?

— Ҳа, қимир этмайди.

— Айтиб, юргиздириб қўямиз, Бек,— деди Янгийўл шаҳар коммунал хўжалик бўлимининг мудири И. Шамсиддинов.

—Ундай бўладиган бўлса,—деди Бек киноя блан, — колхоз бозоридаги уччала соатни ҳам юргиздириб қўйинг. Ҳа, иттифоқо, тикув-пойафзал комбинатининг пештоқига ҳам бир қиё боқсалар, шоят, у ердаги соат ҳам кундузини кечқурун қилиб кўрсатмайдиган бўлиб қолса

— Бошқа шикоятингиз йўқми? — деди жаҳл блан Шамсиддинов.

— Албатта бор! — деди тутоқиб кетиб Бек. Шундан кейин у, кўчаларнинг тоза эмаслигини, колхоз бозоридаги ахлат уюмларини, ресторан ва ошхоналарда санитария қоидасига аҳамият берилмаслигини, дастурхонларнинг кирлигини қўйинг-чи, шаҳар маданият ва истироҳат боғидаги ҳовуз сувининг кўкариб кетганигача айтиб солди.

Бу гапларнинг кўпи Шамсиддиновга таллуқли бўлмаса ҳам, шаҳар раҳбарларидан бири бўлгани учун ҳангманг бўлиб, «лом-мим» деяолмай қолди. Нега дейсизми? Бекка гап қайтаргандан кўра, бу тартибсизликлар ҳақида шаҳар ижроия комитетининг раиси Умарова, шаҳар соғлиқни сақлаш бўлимининг мудири Ниёзов, боғ директори Карамушко ўртоқларни хабардор қилиб қўйишни афзал кўрди, я'ни Бекнинг шикояти тўғрилигига тан берди-да.

Ш. КУЗАНБОЕВ.

В. М. Молотов ҳузурида Чжоу Энь-лай ва Фам Ван Донг шарафига зиёфат

ЖАНВА, 14 июль. (ТАСС). Бугун СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари ва СССР Ташқи Ишлар Министри В. М. Молотов Хитой Халқ Республикаси Давлат Ма'мурий Кенгашининг Бош Министри ва Ташқи Ишлар Министри Чжоу Энь-лай ва Вьетнам Демократик Республикаси Бош Министрининг Ўринбосари Фам Ван Донг шарафига зиёфат берди.

Зиёфатда СССРнинг, Хитой Халқ Республикасининг, Вьетнам Демократик Республикасининг Жанва кенгашидаги делегациялари а'золари, шунингдек маслаҳатчилари ва экспертлари ҳозир бўлдилар.

В. М. МОЛОТОВ А. ИДЕН БЛАН СУҲБАТ ҚИЛДИ

ЖАНВА, 14 июль. (ТАСС). СССР ташқи ишлар министри В. М. Молотов бугун совет делегацияси биносида шу куни Париждан қайтиб келган Буюк Британия ташқи ишлар министри А. Иден блан суҳбат қилди.

Суҳбат Жанва кенгашининг ишини давом этдириш блан боғлиқ масалалар ҳақида бўлди.

Чжоу Энь-лай Лаос ва Камбоджа ташқи ишлар министрлари блан суҳбат қилди

ПЕКИН, 15 июль. (ТАСС). Синьхуа агентлигининг Жанвадаги мухбири билдиради: 14 июльда Хитой Халқ Республикасининг ташқи ишлар министри Чжоу Энь-лай Лаос ташқи ишлар министри Фун Сананиконе ҳузурида бўлди.

Бугун тушдан кейин Чжоу Энь-лай Камбоджа ташқи ишлар министри Теп Фан ҳузурида ҳам бўлди.

СОВЕТ ҲАРБИЙ ҚЕМАЛАРИНИНГ ФИНЛЯНДИЯДА БЎЛИШИ

ХЕЛЬСИНКИ, 14 июль. (ТАСС). Совет ҳарбий кемалари отрядининг командири контр-адмирал Г. С. Абашвили кеча «Орконикидзе» крейсерида зиёфат берди. Бу зиёфатда Финляндия бош министри Тернгрен, қуролли кучлар қўмондони генерал Хейсканен, генерал штаб бошлиғи генерал-лейтенант Сундман, ҳарбий-денгиз кучлари қўмондони контр-адмирал Койвисто, ташқи ишлар министрлиги сиёсий бўлимининг бошлиғи Вуори, Хельсинки шаҳри бургомистрининг ўринбосари Френкель, генерал-лейтенантлардан Ярвинен ва Пурома, «Финляндия-Совет Иттифоқи» жамиятининг бош секретари Карвонен ва бошқалар ҳозир бўлдилар.

Зиёфатда совет томонидан СССРнинг Финляндиядаги муваққат ишлар вакили Н. Ф. Поселянов, совет миссиясининг ходимлари, совет ҳарбий кемаларининг команда составы ҳозир бўлдилар.

Контр-адмирал Абашвили ва бош министр Тернгрен зиёфат вақтида нутқ сўзладилар.

Кеча Хельсинки шаҳри бургомистрининг ўринбосари Френкель совет ҳарбий кемалари отряди офицерлари шарафига зиёфат берди.

СОВЕТ ҲАРБИЙ ҚЕМАЛАРИ ХЕЛЬСИНКИДАН ЎЗ ЮРТИГА ЖЎНАБ ҚЕТДИЛАР

ХЕЛЬСИНКИ, 14 июль. (ТАСС). Совет ҳарбий кемаларининг Хельсинкида бўлиши шимолдаги бу шаҳарнинг аҳолиси томонидан самимий кутиб олинди. Финляндия меҳнаткашлари ҳамма жойда совет денгизчиларига зўр э'тибор бердилар.

Совет кемалари бу ерда бўлган кунларда уларнинг визити Финляндия пойтахтининг диққат марказида бўлди.

Совет кемалари Хельсинки портида турган кунларда 8 мингга яқин киши уларни келиб кўрди. Лекин буни ҳавас қилганларнинг сони неча-неча марта кўп эди.

Бугун «Оржоникидзе» крейсерига Хельсинки меҳнаткашларининг делегациялари, айрим гражданлар кетма-кет келиб турди. Улар гулдасталар, суратли альбомлар ва китоблар тақдим этдилар. Финляндия-Совет Иттифоқи жамиятининг бош секретари Тойво Карвонен бир сават қизил гул тақдим этди. Яна бир делегация кемада гуллар блан бирга тинчлик символи — каптар сурати тушириган байроққани қолдирди. Ана кемага бир қизча чиқаётир. Унинг қўлида кичкина гулдаста. У гулдастани отряд командири контр-адмирал Абашвилига тақдим этади. Қизғин қарсаклар янграйди. Совет матроси қизчани кўтариб олади ва авайлаб зинадан олиб тушади.

Соат 15. Трап кўтариб қўйилган. Кемани тутиб турган арқонлар йиғиштириб олинган. Совет кемалари меҳмондўст портдан жўнаб кетади. Жуда кўп халқ тўпланган қирғоқдан «Дўстлик ва тинчлик!», «Яшасин дўстлик ва тинчлик!» деган хитоблар эшитилади.

СОВЕТ-ЛИВАН САВДО МУНОСАБАТЛАРИ

БАЙРУТ, 14 июль. (ТАСС). Кеча Ливан парламенти Байрутда шу йил 30 апрельда имзоланган Совет-Ливан савдо ва тўлов битимини ратификация қилди. Музокараларда депутат Эмиль Бўстоний нутқ сўзлади. У ҳукуматни бундай битимни тузганлиги блан қутлади ва Совет Иттифоқи ҳамиша ўз мажбуриятларини пухта бажаручи давлат деб уқтириб ўтди.

ХАЛҚ МАОРИФИ МАСАЛАЛАРИ ЮЗАСИДАН XVII ХАЛҚАРО КОНФЕРЕНЦИЯНИНГ ЁПИЛИШИ

ЖАНВА, 14 июль. (ТАСС). Жанвада XVII халқаро конференция ўз ишини тамомлади. Бу конференция тарбия масалалари блан шуғулланучи халқаро бюро ва ЮНЕСКО томонидан чақирилган эди. Конференцияда 57 мамлакат маориф министрликларининг вакиллари қатнашдилар. Конференциянинг ишларида Совет Иттифоқи, Украина ва Белоруссия Совет Социалистик Республикаларининг делегациялари биринчи марта иштирок қилдилар. Конференция икки масалани: «Ўрта мактаблар учун педагог кадрлар тайёрлаш тўғрисида»ги ва «Ўрта мактаб ўқитучиларининг моддий-ҳуқуқий аҳволи тўғрисида»ги масалаларни муҳокама қилди. Бундан ташқари, 1953—1954 ўқув йилида халқ маорифининг аҳволи тўғрисида барча мамлакатлар вакилларининг докладлари эшитилди.

Конференция дастлабки икки масала юзасидан икки тавсиянома қабул қилди. Бу тавсияномаларда ушбу конференцияда қатнашучи мамлакатлардаги маориф органларига қаратилган бирқанча таклифлар бўлиб, улар ўрта мактаб ўқитучиларини тайёрлаш ишларини мукаммаллаштириш ва уларнинг малакасини оширишни, шунингдек ўқитучиларнинг моддий-ҳуқуқий аҳволини яхшилашни кўзда тутади.

РСФСР маориф министрининг ўринбосари Л. В. Дубровина СССРда халқ маорифининг қўйилиши тўғрисида доклад қилди. Украина ССР ва Белоруссия ССР делегацияларининг бошлиқлари Ф. Т. Дудник ва С. А. Умрейко ана шу совет республикаларида халқ маорифининг ривожланиши тўғрисида сўзлаб бердилар.

Индонезия матбуоти Хитой Халқ Республикасининг БМТдаги ҳуқуқлари тикланишини талаб қилмоқда

ПЕКИН, 14 июль. (ТАСС). Синьхуа агентлиги мухбирининг Жакартадан билдиришича, Индонезия матбуоти Хитой Халқ Республикасининг БМТ даги қонуний ҳуқуқлари тикланишини талаб қилмоқда.

«Хариан ракьят» газетаси Хитой Халқ Республикасини БМТ га қатнаштириш талаби бутун дун'ёга кенг ёйилганлигини та'кидлайди. Газета Хитой Халқ Республикаси Америка агрессив сиёсатининг йўлида ғоят катта тўсиқ бўлиб қолди, деб кўрсатади.

«Мердека» газетаси, АҚШ Хитой Халқ Республикасининг БМТ га қатнаштирилишига қарши чиқиши блан ўз-ўзини яккалаб қўйди, деб ёзади. Газета, Хитой бош министри Чжоу Энь-лайнинг Ҳиндистон ва Бирма бош министрлари блан яқиндаги учрашувлари халқаро аҳвол учун, жумладан Ҳинди-Хитой масаласини ҳал этиш учун катта аҳамиятга эга, деб та'кидлайди. АҚШнинг ўз позициясини Осиё мамлакатларига мажбуран қабул этдириш йўлидаги уринишлари, деб ёзади газета, бу мамлакатларда тобора кўпроқ шубҳа туғдирмоқда.

АҚШ НИНГ ИНДОНЕЗИЯ ИЧКИ ИШЛАРИГА АРАЛАШУВИГА ҚАРШИ НОРОЗИЛИКЛАР

ЖАКАРТА, 14 июль. (ТАСС). Матбуот ҳозирги вақтда Индонезия блан Хитой Халқ Республикаси ўртасида олиб борилаётган савдо музокаралари муносабати блан АҚШнинг Индонезияга қўпол равишда таз'йиқ қилаётганига қарши норозилик билдирмоқда.

Бандунгда чиқадиган «Пикиран ракьят» деган та'сирли газета редакцион мақоласида бундай деб уқтириб ўтади: «Американинг мамлакатимизга таз'йиқ қилиши сиёсий фирибгарликнинг ўзгинасидир. АҚШ бизнинг иқтисодий қийинчиликларимиздан фойдаланиб, бизни кўрқитмоқчи бўлади. Шу мақсадда таз'йиқ қилишнинг энг қўпол методлари ишлатилмоқда». Сўнгра газета бундай деб ёзади: «АҚШ ўз сиёсатида бошқа халқларнинг манфаатларини поймол қилиб, ўз манфаатларини ҳамма нарсадан юқори қўяётганлигини Индонезия блан бўлган воқиада яна бир марта кўрсатди. Коммунизм ҳақидаги ҳайқиришлар уларга жуда катта фойда олиш учун керак».

«Хариан ракьят» газетаси бошмақоласида бундай деб ёзади: «АҚШ Гватемала халқининг ҳуқуқларини қўпол суратда поймол қилганидан кейин, ҳозир Индонезиянинг Хитой Халқ Республикасига каучук сотишга тайёр турганлиги муносабати блан Индонезияга дўқ қилабошлади. Шу блан бирга американлар БМТ нинг эмбарго тўғрисидаги резолюцияси қонуний, деб шунга асосланмоқдалар. Ҳолбуки, Индонезия ҳечқачон бу резолюцияни ёқлаб овоз бергани йўқ, бундан ташқари, қандай қонунийлик тўғрисида гап бораётир. АҚШ ҳамма қонунларни, ҳуқуқларни, БМТ резолюцияларини бузиб келаётир. Гватемаладаги воқиалар буни ёрқин намойиш қилиб берди».

Сўнгра газета Индонезия ҳукуматининг дўқлардан қўрқмай ХХР делегацияси блан музокаралар олиб бораётганлиги муносабати блан мамнуният билдириб, бундай деб ёзади: «Бизнинг каучукимизга Қўшма Штатлар эмас, балки ўзимиз хўжайинмиз ва уни ўзимиз зарур топганимизча сотамиз».

Узоқ Шарқда Американинг ҳарбий тайёрликлари

ПЕКИН, 14 июль. (ТАСС). Синьхуа агентлиги билдиради: четэл агентликларининг ҳабар беришига қараганда, Жанубий Кореянинг АҚШдаги элчиси Ян Ю Чан яқинда АҚШ давлат секретари Даллесга Ли Син Маннинг ўз армиясини 650 минг кишидан 1 миллион кишигача кўпайтириш мақсадида ҳарбий ёрдамни ошириш тўғрисидаги илтимосини топширган. Ли Син Ман анча миқдорда реактив самолётлар ва ҳарбий кемалар юборишни ҳам сўраган.

Даллес ўз жавобида лисинманчилар элчисига Қўшма Штатлар кўп миқдорда ҳарбий материаллар етказиб бериш тўғрисидаги илтимосга «катта э'тибор блан» қарайди деб ва'да берган.

Жанубий Корея мудофаа мичнстри Сон Вон Ир ўз баёнотида, Жанубий Корея ўзининг қуриқликдаги, денгиздаги қуролли кучларини ва ҳаво қуролли кучларини анча кенгайтиради ва кучайтиради, деган. У, Жанубий Корея 1 миллион кишидан иборат резерв корпуси тузишда АҚШ дан ёрдам олишга ҳаракат қилмоқда, деб та'кидлаган.

Юнайтед Пресс агентлигининг яқинда билдирган ҳабарига қараганда, Чан Кайши тўдаси ҳар йили ёшлардан 40 минг кишига мажбурий равишда ҳарбий та'лим беришга киришган, бу ёшлар Чан Кай-шининг резервига ёзилади. 8 июльда ёшлардан бирнеча минг киши зўрлик блан тўртта та'лим марказига жўнатилган. Улар бу марказларда тўрт ой мобайнида ҳарбий та'лим оладилар.

АҚШнинг кўрсатмаси блан ўтказилаётган ҳарбий тайёргарликлар аниқ кўрсатадики, деб ёзади агентлик, Осиё халқлари тинчлиқ ва хавфсизликка зўр бериб интилаётганига қарамай, АҚШ бурди кетган агрессив сиёсатини давом эдирмоқда ва Узоқ Шарқда кескинликни сақлашга уринмоқда.

КАРЛОВИ ВАРИДАГИ ХАЛҚАРО КИНОФЕСТИВАЛЬДА

ПРАГА, 14 июль. (ТАСС). Карлови Варидаги 8-нчи халқаро кинофестивальда қисқа метражли илмий-оммабоп ва мультипликацион фильмлар кўрсатилабошланди.

«Фитонцидлар» деган илмий-оммабоп совет фильми тамошабинларни ғоят қизиқтирди. Бу фильмда Сталин мукофоти лауреати профессор Б. П. Токиннинг илмий ишлари ҳақида ҳикоя қилинади. У ўсимликларда микроорганизмларни ўлдирадиган моддалар — фитонцидлар борлигини кашф қилди.

Сўнгра Маравиядаги археологик қазилмалар ҳақидаги «Тарих бўсоғосида» деган чехословак фильми, ёшларнинг тоғ ораларига қилган юриши вақтида бир группа ёшларнинг саргузаштлари ҳақида ҳикоя қилучи «Тоғ ораларига саёҳат» деган румин фильми, «Коге керамикаси» деган қисқа метражли швед фильми ва бошқа фильмлар кўрсатилди.

ЖАНУБИЙ КОРЕЯДА СУВ ТОШҚИНИ

ПХЕНЬЯН, 14 июль. (ТАСС). «Нодон синмун» газетаси Жанубий Корея агентликларининг хабарларига таянib, қуйидагиларни ёзади: Жанубий Кореядаги Жанубий Кенсан ва Жанубий Чолла вилоятларининг бирқанча районларида кучли сув тошқини бўлиши натижасида 28 июньдан 5 июлгача 617 уйни сув оқизиб кетган, 1222 уй сув остида қолган, 38 кўприк ишдан чиққан, кенг майдондаги ҳосил нобуд бўлган. Жуда кўп киши ўлган. Жанубий Корея матбуоти зарар кўрган бошқа районлар блан алоқа узилиб қолганлиги сабабли улардан ма'лумот олинмаганлигини билдиради.

«Нодон синмун» газетаси бундай деб ёзади: Янги ҳарбий авантюралар тайёрлаш учун жуда кўп маблағ сарф қилаётган лисинманчилар ҳукумати сув тошқинининг олдини олиш учун кўп йиллардан буён ҳечқандай иш қилмаётир. Бунинг натижасида Жанубий Кореяда ҳар йили ёзги ёғингарчилик даврида неча минглаб кишилар ҳалок бўлмоқдалар ёки мол-мулкларидан маҳрум бўлмоқдалар ва шюлипоялар нобуд бўлиб кетмоқда.

УҚУЧИЛАРНИНГ РЕСПУБЛИКА VII СПАРТАКИАДАСИ

Тошкентда мактаб ўқучиларининг 4 кун давом этган республика VII спартакиадаси тамом бўлди. Бу спартакиадага республиканинг барча область ва шаҳарларидан келган 700 га яқин йигит ва қиз спортчилар қатнашдилар. Улар спартакиада программасига киритилган енгил атлётика, баскетбол, сузиш, отиш спорти ва велосипед пойгаси бўйича мусобақалашдилар.

Тошкент шаҳар командаси 4 кунлик қаттиқ кураш якунида спартакиада программасидаги барча мусобақалар бўйича биринчи ўринни эгаллашга муваффақ бўлди. Тошкентлилар шу блан, ўтказилган спартакиадаларда 9-нчи марта ғалаба қозондилар. Спартакиадада иккинчи ўринни Фарғона область командаси, учинчи ўринни эса самарқандлилар олдилар.

Енгил атлётиканинг бирқанча турлари бўйича ўтказилган мусобақаларда тошкентли спортчилардан Лебединский, Колебаев, Керекеш, Салтикова, Таманов, Юсупов, Волков, Гудашникова, Фукс, Груздева, Баллод, самарқандли Пресс, бухороли Непахова ўртоқлар энг яхши натижаларга эришдилар. Тошкентдаги 43-нчи мактаб ўқучиси Валентина Баллод 157 сантиметр баландликка сакраб, республикада янги рекорд қўйди. Отиш спорти бўйича ўтказилган мусобақада тошкентли Яковлев 600 имкониятдан 485 очкони қўлга киритиб, республика чемпиони номини олишга муваффақ бўлди.

Спартакиада голиби — Тошкент спортчилари командасига қўйилган байроқ, кўчма мукофот ва биринчи даражали диплом топширилди. Якка мусобакаларда энг яхши кўрсаткичларга эришган спортчилар Ўзбекистон ССР Маориф министрлигининг дипломлари ва қийматбаҳо буюмлар блан мукофотландилар.

ЮЗКАТАКЛИ ШАШКА БУЙИЧА РЕСПУБЛИКА ЧЕМПИОНАТИ

Бешинчи турда спорт мастери Ёқубов Гавриленко устидан ғалаба қозонди. Спорт мастери Сретенский Александров ни ютди. Турнирда мастерликка кандидат Гуляев зўр муваффақият блан қатнашмоқда. У, қаторасига тўртта ғалабага эришди, бу ғал Косяковскийни ютди, Шокиров ва Назаров ўртасидаги ўйин 4 соат давом этиб, жиддий курашдан кейин дуранг бўлди. Круглов Полоусов устидан ғалаба қозонди. Ханелис Кабаков блан бўлган ўйинида аввал яхши имкониятларга эга бўлган бўлса ҳам, кейин ўзининг устунлигини қўлдан бой бериб, аҳволни оғирлаштириб қўйди. Ўйин Кабаковнинг қўли баланд ҳолда кечиктирилди. Берштейн ва Ютландов партияси иккovининг қўли баравар ҳолда кечиктирилди. Шунингдек, Канишчикер—Черкасский ўйини ҳам Канишчикернинг қўли баланд ҳолда кечиктирилди.

Кечиктирилган ўйинлар давом этдирилган куни Сретенский — Ёқубов ва Черкасский—Кругловлар ўйнади. Ёқубов ўйинининг тамом бўлиши олдидан хатога йўл қўйиб, Сретенскийга ютказди. Круглов эса Черкасскийни ютди. Косяковский—Гавриленколларнинг кечиктирилган ўйини Косяковский фойдасига ҳал бўлди. Александров Кругловга ютқазди. Ханелис—Берштейн ўйини дуранг бўлди.

Бешинчи турдан кейин тўрт очкога эга бўлган Сретенский олдинда бормоқда ,унинг бир ўйини кечиктирилган.

Редактор З. ЕСЕНБОЕВ.

ТЕАТР ВА КИНОЛАРДА:

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА (ёзги бино) — 16/VII да **Алишер Навоий**, 17/VII да **Қутлуғ қон.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА (қишки бино)— 16/VII да **Муқимий**, 17/VII да, **Тоҳир ва Зуҳра.**

ПУШКИН НОМЛИ ПАРКДА — 17 ва 18/VII да **Ўзбекистон давлат эстрадаси артистларининг концерти.** Концертда: Ўзбекистон ССР халқ артистлари **Фотима Борухова** ва **Карим Зокировлар** қатнашади. Концерт кеч соат 9 яримда бошланади.

ҚИШКИ КИНОТЕАТРЛАРДА:

«РОДИНА» (кеч соат 8 гача), НАВОИЙ номли (кеч соат 10 гача), СОБИР РАҲИМОВ номли, «ИСКРА» (кеч соат 9 гача) «ЕШ ГВАРДИЯ», «ЎЗБЕКИСТОН» (кундуз), «КОМСОМОЛ 30 ИИЛЛИГИ» (кеч соат 10 гача)—янги рангли бадиий фильм **Етуклик аттестати.**

НАВОИЙ номли — эрталаб соат 11 да **Юксак мукофот,** кеч соат 10 да **Москвадан узоқда.**

«ЎЗБЕКИСТОН» — кечқурун **Биринчи қўлқоп.**

«КОМСОМОЛ 30 ИИЛЛИГИ» — кеч соат 10 да **Катта концерт.**

ЕЗГИ КИНОТЕАТРЛАРДА:

«ВАТАН», НАВОИЙ номли, «ИСКРА», «ХИВА», «УДАРНИК», ТЕЛЬМАН номли — **Етуклик аттестати.**

ПУШКИН номли — **Сепли тўй.**

ИЛМИЙ-ОММАБОП ФИЛЬМЛАР КИНОТЕАТРИ — кундуз **Ўнбеш ёшли капитан,** кечқурун **Африка** (2-нчи серия).

«9-НЧИ МАЙ» — **Тоғлар орасидаги застава.**

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА

17 ва 18 июльда

ҚУРМАНҒОЗИ НОМИДАГИ ҚОЗОҒИСТОН ХАЛҚ ЧОЛҒУ АСБОБЛАРИ ДАВЛАТ ОРКЕСТРИНИНГ

ГАСТРОЛЬЛАРИ

(Ёшларнинг Бухарестда бўлиб ўтган IV Жаҳон фестивалидаги конкурс лауреати).

Бош режиссёр — Қозоғистон ССРда хизмат кўрсатган артист **Ш. Кажгалиев.**

Концертда: СССР халқ артисти, Сталин мукофоти лауреати **Кулаш Бойсеитова,** Қозоғистон ССРда хизмат кўрсатган артист **Каукен Кенжатоевлар** қатнашади.

Программани **Г. Галиева** олиб боради.

Концерт кеч соат 8 яримда бошланади.

Тошкент шаҳар Советининг ижроия комитети билдиradiки, якка тартибда уй солиш учун 1940 йилдан 1953 йилгача даврда

ЕР УЧАСТКАЛАРИ ОЛГАН КИШИЛАР

шу ҳақдаги ҳужжатларини (иморат солиш учун тузилган шартнома ёки акт, уй сотиб олиш ва сотиш ҳақида нотариус тасдиқлаган шартнома, ҳад'нома, ер плани ва ҳоказоларни) қайтадан рўйхат қилдириш учун

1954 йил 19 июльдан 15 августгача муддатда

ТЕГИШЛИ РАЙОН ИЖРОИЯ КОМИТЕТЛАРИГА УЧРАШИШЛАРИ ЛОЗИМ.

Бу ҳужжатлардан ташқари, уй дафтари ва паспортни ҳам олиб келишлари керак. Ер участкалари кўрсатилган муддатда рўйхатдан ўтказилмаган ва ўзлаштирилмаган тақдирда, эгалари қўлидан олинади.

РЕДАКЦИЯ ВА НАШРИЁТ АДРЕСИ: Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, № 34. **РЕДАКЦИЯ БЎЛИМЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ:** коммутатор — 36334 ва 33262 орқали Партия турмуши бўлими — 136, Пропаганда бўлими — 157. Совет қурилиши бўлими — 132. Маданият бўлими — 132, Адабиёт ва сан'ат бўлими — 39040, Қишлоқ хўжалик бўлими — 135, Саноат ва транспорт бўлими — 136, Хатлар бўлими — 132 Секретариат — 34048, Э'лонлар бўлими — 38142

Р 00551. «Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистони сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси. Нашр. № 1393.